

Gazeta

1997 - yil

27 -

avgustdan

chiqa

boshlagan

HUQUQ

Mustaqillik
huquq
demakdir

№ 26 (187),

27-iyun - 3-iyul

2001-yil

YURIDIK GAZETA

БАЙРАМИНИЗ МҲБОРАК ЁҲСИН,
АЗИЗ ХАМКАСЛАР!

27 ИЮНЬ —

МАТБУОТ ВА

ОММАВИЙ

АХБОРОТ

ВОСИТАЛАРИ

ХОДИМЛАРИ

КУНИ



А. ТҮРАЕВ олган сурат

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatish shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida tenildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 1 - 2549
Nusxasi - 20609
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchesi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛARI ХОДИМЛАРИ КУНИ

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

Бугун, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 10 йиллигига қизғин тайёргарлик кетаётган бир пайтда, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касбий байрамларини тўққизинчи марта нишонламоқдалар. Мана шундай тантанали айёмда матбуотимиз тарихига бир кўз ташлаш хайрли ва ибратлидир. Зотан, миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйганлар руҳини хотирлаш, уларнинг кўрсатган жасоратлари ва элпарварликларини яна бир қарра ёдга олиш биз, миннатдор авлодларнинг инсонийлик бурчимиздир.

...1905 йилги шиддатли инқилобий ҳаракатлар яккахокимлик асосига қўрилган қор Россиясидек салтанатни ҳам ларзага келтирди. Талвасага тушган Николай II ўша йилнинг 17 октябрида манифест деб аталган ҳужжатга имзо чекишга мажбур бўлди. Манифестга кўра, Россия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар /фиркалар/ тузиш ихтиёри ваъда қилинган. Мана шу вазият мустақиллик занжирига тушган Туркистонда ҳам миллий матбуот юзга келишининг сиёсий омиллини ташкил қилган. Юзга келган қўлай сиёсий вазиятдан фойдаланиш учун Туркистондаги маҳаллий тараққиётпарварлар ҳам ҳаракатга тушдилар ва натижада 1906 йилнинг 27/14/ июнида «Тараққий» номли ўзбекча миллий газетани чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Туркистондаги чор маъмурулари маҳаллий зиёлиларни лақиллатиш мақсадида 1906 йилнинг 2 январиди ўзларининг содиқ хизматкори Иван Ге́йер муҳаррирлигида ўзбек тилида «Урта Осиёнинг умр гузаронлиги. Тараққий» номли газета чиқариб, гўё бу билан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи газета ташкил қилинди, деган тасаввур ўйғотмоқчи бўлдилар. Лекин тез орада маълум бўлдики, мустақил ҳукмронлар бу газетани кўз бўяш учунгина чиқарган экан. Амада у ҳам Туркистон губерна-торлигининг расмий газетаси «Туркистон вилоятининг газети»дан /1870 йил чиққан/ деярли фарқ қилмасди. У ҳам мустақиллиқни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди, маҳаллий аҳолининг эмас, истилочиларнинг манфаатларини ҳимоя этди. Шу боис маҳаллий зиёлиларнинг маъмур газетадан ҳафсалалари пир бўлиб, унга мулққа қатнашмай қўйи-

шадди. Маҳаллий аҳоли орасида муштарийси қолмаган, обрўси тушиб кетган «Урта Осиёнинг умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси 1906 йилнинг апрелига бориб тўхтади. Шу вазиятдан жадидлар усталик билан фойдаланадилар. Хусусан, Мунаввар Қори маъмур газетанинг моддий-техник асосида маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қила оладиган даврий нашрга эга бўлиш учун ҳаракат қилди. Чунки у И.Ге́йер чиқараётган «Урта Осиёнинг умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси тахририятига ишга жойлашиб олганди. Унинг тахририятга жойлашишига бир тасодиқ қўмак берган. И.Ге́йер газетасини чиқариш ҳаракати билан юрғанда, «Туркистон вилоятининг газети»да ҳодим бўлиб ишлаётган Мулла Олим Абдулқосимовдан маҳаллий аҳолидан ўзларига сadoқатли бир зиёлини топиб беришни сўрайди. Мулла Олим унга Мунаввар Қорини тавсия қилади. Ҳар ҳолда, бу ерда Мулла Олим ҳам, И.Ге́йер ҳам адашишганди: Мунаввар Қори мустақилларга сadoқатли ғуамашта эмас, маҳаллий аҳолининг манфаатини ҳимоя қиладиган эл фарзанди эканлигини пайқамай қолишадди. Шу тариқа, Мунаввар Қорининг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий тилни яхши биладиган, айни пайтда рус тилида ҳам бемаълал гаплаша оладиган қозонлик Исмоил Обидий «Тараққий» газетасига муҳаррирликка таклиф қилинади. «Тараққий» жадидлар чиқарган ilk газета эди.

«Тараққий» дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига Россия империясининг моҳиятини, миллий зулм, мустақиллик нима эканлигини, эрк, озодлик қандай буюк ноъматлигини аёнла-тишга ҳаракат қилди. Газета муҳаррири

билмидан ва ақлли инсон бўлганлигидан тахририят ишини пухталики билан бошқариб борди. Мустақилларни «хур-кииб юбормаслик» учун газетанинг охириги — туртинчи саҳифасида ўз мас-лагини пардалироқ қилиб билдиради: «Газетамиз «Тараққий» номинда ўлуб, бора-бора жисми ҳам исмига мувофиқ ўлуб миллатимизни «кейин» қолмоғига, жаҳолат ва гафлати олийда ўлуб бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига асло рози эмасдирмиз... биоан алайҳа, газетамизнинг нажотимизга, дунё ва охирадта масъул ўлмоқимизга ёлғуз илм бобидур демек энг биринчи вазифасидур» /1-сон/. Газета «замонавий фойда ва истифода замондир», «миллат манфаатини хизмат этмак замон, торқан меҳнат, қўрган захматларидан қутуладурғон замон бу замон. Дин ва дунёимиз учун ғайрат қилуб ибрат оладурғон замон бу замон. Ҳар ким ўз хиссасин олиб тургон муддатда оғиз очуб қоладурғон замон эмас»лигини ҳам усталик билан ишора қилиб ўтади.

Газетанинг 3-сонидидаги «Тошқанд, 22 июн» сарлавҳали бош мақолада ҳам Россия давлати тизимининг иллатлари ҳақида сўз юритилган. Мақолада ёзи-лишча, рус-япон уруши Россиядаги катта мансабдор ҳарбийларнинг ўз ла-возимларига нолийлигини исботла-ган. Уруш Россия қўшинларининг тех-ника, замонавий қурол-яроғ жиҳатидан орқада қолганлигини кўрсатди. Шу боис Россиядек катта салтанат Аҳам /Эрон/ дан қарз сўрашга мажбур бўлган. Бу фикрларнинг замирида гўё Россиянинг маълулотида аччилангандек бўлса-да, аслида унинг ҳар қанча қудратли, улғ салтанат дейилишига қарамай, заиф жоҳлари, тизимда иллатлари борлиги кўрсатилмоқда.

Газетанинг маҳаллий халқ манфа-атларини ҳимоя қилиши, уларни эрк, озодлик, ўз ҳақ-ҳуққини эгаллашга чақириларди Туркистон губернаторли-гини ваҳимага тушириб қўйди. Улар «Тараққий»га қарши «Туркистон вилоя-тининг газети»ни ишга солидилар. Га-зета муҳаррири тулқан миссионер Н.Ост-роумов маҳаллий аҳолининг заиф жо-ҳларини яхши биларди. Шу боис «Тарақ-қий»га қарши уламоларни тиж-тижла-

ди. «Туркистон вилоятининг газети»да «Тараққий»га қарши курашувчи бутун бир гуруҳ шаклланди: деярли ҳар бир сониди турли «мулла», «муллаваҳчалар»нинг захарли чиқишлари уюштирил-ди. Булар, шубҳасиз, беҳуда қилинма-ган эди. «Тараққий» газетасининг бор-йўғи 17 сони чиқди. Газета ёпилиб, унинг муҳаррири Исмоил Обидий қамоққа олинди. Шу тариқа ilk ўзбек газетаси 1906 йилнинг августиди ўз фаолиятини тўқтатишга мажбур этил-ди. Лекин у ўлка ҳаётида жуда катта из қолдиришга улғурганди. «Тараққий» ёпилиши билан, кўп ўтмай, 1906 йил-нинг сентябрида Мунаввар Қори му-ҳаррирлигида «Хўршид» газетаси чиқ-ди. У Туркистон генерал-губернатор-лигининг газетаси «Туркистон вилоя-тининг газети» олиб борган мустақиллик сиёсатини фoш қила олди. Бу газетани ҳам ёпидилар. Ундан сўнг Абдулла Авло-ний «Шухрат» деган газети чиқаради. Кейин Саидқаримбой муҳаррирлигида «Тўхжор» газетаси майдонга келади. 1912-15 йилларда «Бухорои Шариф», «Турон», «Садои Туркистон», «Садои Фа-рғона», «Самарқанд» каби газеталар, «Ойна» журнали чиқарилади. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўнлаб жа-дид газеталари пайдо бўлди. Уларнинг барчаси «Тараққий» бошлаб берган йўл — халқни озодлик, эрк учун курашга олтантирди, ундаги оташин публицис-тик материалларнинг яхши аънаъасини давом эттирди.

Юртимиз узра Мустақиллик байроғи ҳилпиратгандан сўнг миллий матбуо-тимиз чинкамагга тараққий топмоқда. Ҳозир 700 дан зиёд газета ва журнал-лар нашр қилинмоқда. Мана шу факт-нинг ўзидек матбуотимиз равнақига қан-чалик эътибор берилаётганининг ёркин далилидир. Бугунги Ўзбекистон матбу-оти равнақига ilk миллий газетамизни чиқарган буюк аждодларимизнинг ҳам билвосита ҳиссалари бор. Уларнинг руҳи поклариди олдида ҳамisha таъзим-дамиз.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
Жаҳон тиллари университети
«Журналистика назарияси,
амалиёти ва тарихи»
кафедрасининг мудири

ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки йилларданок «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Дастурга кўра барча олий ўқув юртларида бакалавр ва магистратура босқич-ларида қадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда юрист мутахассисларга талаб каттадир. Тошкент Давлат юридик институти ҳудди шундай етук мутахассисларни давр талаби даражасида тайёрлаб берувчи даргоҳ. Биз маъмур институт-нинг магистрлар тайёрлаш Маркази декани доцент С.Ҳамроев билан суҳбатлашдик.

— «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий Да-стури»да белгиланган вазифалар-ни бажариш мақсадида институти-мизда 1999 йилда магистратура босқичи иш бошлади. Магистрату-рага 1999-2000 йилларда «Ҳусу-сий ҳуқуқ» ва «Криминал ҳуқуқ» йўналишлари бўйича 56 та тинг-ловчи қабул қилинган эди. 2000-2001 ўқув йилида «Оммавий ҳуқуқ», «Экология ҳуқуқи», «Молия ва со-лиқ ҳуқуқи», «Алкоготура», «Халқа-ро ҳуқуқ» каби йўналишлар қўшил-ди ва етгита йўналиш бўйича 83 та тингловчи қабул қилинди. Бу йил йўналишлар яна кенгайтирилиши мўлжалланмоқда. Магистрантлар-га тегишли тартибда тасдиқланган ўқув дастурлари асосида малакали мутахассислар дарс беришяпти.

— Ҳар қандай янгиликнинг ама-лиётида татбиқ этилишида қийин-чиқилар ва муаммолар бўлади.

— Бизда ҳам муаммолар йўқ эмас. Масалан, магистрантлар учун давлат таълим стандарти алақачон ишлаб чиқилган бўлса-да, лекин ҳанузгача тасдиқланмаган. Магис-трантларга мутахассислик фанла-ри бўйича дарсликлар яратилма-ган. Ўқитувчиларимиз кўлэзма ша-клдаги маъруза матнларидан фой-даланиб дарс ўтишмоқда. Эндиликда мутахассисларимиз дарсликлар тайёрлашга киришиб кетишди. Мана, яқинда профессор

М.Рустамбоев «Приступление про-тив личности» деб номланган ва доц. Ф. Тоҳировнинг «Шахса қар-ши жиноятлар ва уларнинг юридик тахлили» деб номланган дарслик ва қўланмалари чоп этилганлиги бу борадаги муаммоларнинг ечим топаётганлигини далолатледи.

— Бу йил биринчи, қалдоғроқ магистрантлар битириб чиқмоқ-да. Уларга қандай тартибда ама-лиётга йўлланмалар бериши мўлжаллашяпти?

— Магистрларимиздан 38 нафа-

миллаштириш лозим, деб ўйлай-ман. Чунки бошқа университетлар-нинг ҳуқуқшунослик факультетла-рида қўиб келган талабаларнинг билим даражаси магистратурада ўқишга қўйилмаган талабларга тўла жавоб бера олмайдди.

Келажақда магистратура бос-қичини давлат бюджети ҳисобидан ўқиб битирган иқтидорли ёшларни фақат институтларга, касб-ҳунар коллежларига, илмий тадқиқот ин-ститутларига ва марказларига юбо-риш мақсадга мувофиқ деб ўйлай-

ман. Шундай қилинса, магистрнинг номзоддик диссертациясини му-ваффақиятли ҳимоя қилишига кенг имконият пайдо бўлади. Шунга айтиш жоизки, магистр-ларни ўқитиш жараёнида илғор хо-рижий давлатлар билан тажриба алмашишни ўқув режасига кири-тиш зарур. Чунки тингловчи кела-жақда нафақат мамлакатимиз қонунчилиги, балки бошқа давлат-лар қонунчилигини ҳам чуқур та-лил қилиши зарур.

М.БОЛЛИЕВА,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи
маркази бўлим бошлиғи

ОҚ ЙЎЛ, МАГИСТРАНТ



САҲИФАЛАРИМИЗДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ХАЛҚНИНГ ФИКРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ЮСУФ АБДУКАРИМОВ
«ХУҚУҚ» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— *Яқин кунларда қутлуғ сана — мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаймиз. Ана шу даврда прокуратура идоралари фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди?*

— Мустақилликни қўлга киритган мамлакатимизнинг Конституцияси талабларидан келиб чиқиб, прокуратура идораларининг фаолияти тубдан ўзгарди. Шахс, фуқаро манфаати биринчи ўринга чиқди. Ана шу тамойил асосида жамият ва давлат манфаатлари уй-ғуллашади. Бу конституциявий талаб прокуратура идоралари фаолиятини тамомила янгича, такомиллашган тарзда ташкил этишни тақозо қилди. Шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини таъминлашдаги асосий йўналишга айланди.

— *Ишсизлик вилоятда ўтқир муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш борасида прокуратура идоралари қандай иш олиб бора-япти?*

— Ўтган йили май-июнь ойларида шаҳар ва туманларда ўтказган учрашувларда ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бандлик фуқароларни қийнаётган муаммага айлангани аён бўлди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ижтимоий ҳимояга оид қонунларга риоя қилмаётгани айрим жойларда аҳолининг норозилигини уйғотаётган эди. Бу борадаги қонунбузарликларни бартараф этиб, жамоатчилик назоратини ташкил қилганимиз кутилган самарани берапти. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан ишсиз деб эътироф этиш ва нафақа тайинлаш, бошқа касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга маблағ ажратиш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш ишлари кенг қўламда жонланди. Муаммолардан яна бири фуқароларнинг меҳнат, бандликка оид қонунлардан беҳабарлиги эди. Жойларда учрашувлар ўтказилиб, ишсизларнинг қонуний ҳуқуқларидан фойдалана оладиган даражада ҳуқуқий билимларини оширишга эришдик. Дастлаб одамлар меҳнат биржасига иш сўраб борганларида иш йўқ деса индамай кетаверишган. Ариза ёзиб, ишсизлик макomini бериш, нафақа тайинлашни талаб қилишни билишмаган. Идора ходимлари ўз навбатида уларнинг бу ҳуқуқларини тушуниришмаган. Эндиги вазифа: прокуратура аралашувисиз, фуқаронинг ўзи ишга жойлаштириш, меҳнат ва бандлик идоралари эса уларнинг бандлигини таъминлашга эришиши керак.

— *Шахс манфаатини ҳимоя қилиш*



нинг яна бир қўриниши — иш ҳақи тўловларини қонуний изга солишда нимага эришилди?

— Бу масалани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб ҳақиқий ҳолатни ойдинлаштириш ва шу йил февраль ойида мазкур соҳага масъул раҳбар ходимлар иштирокида ўтказилган мувофиқлаштирувчи кенгашида муҳокама қилдик. Иш ҳақидан қарздорлик сабабларини аниқлаб, тўлатиш имкониятларини кидирдик. Қисқа фурсатда иш ҳақидан ўтган йилнинг 1 млрд. 141 млн. сўмдан иборат қарздорлиги қопланиб, ишчи-хизматчиларнинг маошлари берилди. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида 1 млрд. 162 млн. сўмлик иш ҳақи қарздорлиги ҳам деярли тўлиқ қопланишига эришилди.

— *Бу каби қонуний ижросини таъминлашдаги ишларингиз фуқароларнинг прокуратура идораларига муносабатини қай даражада ўзгартиряпти?*

— Афсуски, фуқароларда прокуратура жазоловичи идорадеган тасаввур бутунлай йўқолган йўқ. Бу эскича фикрлаш қолипни синдириш учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Фуқароларда лоқайдлик, бефарқлик ўрнини ҳуқуқий фаоллик эгаллашига эришимиз лозим. Прокуратура идораларига шахс манфаатини ҳимоя қилувчи идора сифатида қарашни қундалиқ фаолиятимизда шакллантириб боришимиз керак.

— *Бунга қандай эришса бўлади?*

— Ошқоралик, ҳуқуқий тарғибот фуқаролар ҳуқуқий фаолликларини ошириб боришнинг самарали воситаларидир. Фуқароларнинг қонунлар билан қафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини аҳолининг барча қатламларига етказишда оммавий ахборот воситаларини кўприкка қийслаш мумкин. Ундаги ҳаракат икки томонлама, оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятимизни ёритиш билан бирга ўткир ижтимоий муаммоларни кўтариб, ишимизни такомиллаштиришимизга туртки беришади. Журналистлар билан ўзаро фикр алмашиш қонун

устуворлигини таъминлашдек муштарак вазифани биргаликда адо этишимизга қўмаклашади.

— *Дарҳақиқат, фуқароларнинг прокуратурага ишончи ортаётгани уларнинг муносабатлари мазмун-моҳиятида ҳам кўзга ташланса керак?*

— 1999 йилга нисбатан 2000 йилда қаноатлантирилган ариза ва шикоятлар 27,8 фоизга кўпайди. Бу — фуқароларнинг ҳуқуқий савиялари ортиб, тобора кўпроқ асосли талаблар билан муносабат қилаётганларини аниқлатади. Аризаларнинг таҳлили, айрим идоралардаги сансалорлик туфайли фуқаролар тўғридан-тўғри прокуратура идораларига муносабат қилаётганларини ҳам кўрсатапти.

— *Фуқароларнинг судга тааллуқли ишлар бўйича ҳам прокуратурага муносабат этишлари нимага сабаб бўлаяпти?*

— Ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини суд даражасида ҳимоя қила олиши ҳуқуқий маданиятнинг мезонидир. Мустабид тузумда суд аввало мансабдор шахс сиймосида давлат манфаатини ҳимоя қиларди. Ҳуқуқ бузилган фуқаронинг давлат идораси, корхонаси ёки мансабдор шахс устидан судга шикоят билан муносабат этиб, низода ютиб чиқиши фавқулодда ҳодиса эди. Аввалдан иш давлат муассасаси фойдасига ҳал бўлиши равшанлиги учун қамдан-қам фуқаро судга муносабат этишга журъат қиларди. Менимча, ўтмишдан қолган бу умидсизлик асорати ҳамон кишилар шуурини тарқ этмапти. Фақатгина ҳуқуқий саводхонликка эришиб, янгича фикрлаш, янгича мулоҳаза юритиш, янгича тафаккур билан бу асоратдан қутилиш мумкин.

— *Прокуратура идоралари фаолияти қандай мезонлар билан баҳоланади?*

— Менимча, прокуратура фаолиятини белгилловчи мезон қонунларнинг ҳаётда, қундалиқ турмушда ҳамма учун бир хил ва аниқ, бажарилиши билан ўзвий боғлиқ.

Қонун устуворлигига, адолат мезони бузилмаслигига қанчалик эриша борсак, фаолиятимизнинг маҳсули, самараси шунчалик яққолроқ кўзга ташланади.

Прокуратура ёки қайсидир прокурор қай даражада фаолият кўрсатаётганини баҳоловчи муҳим мезон — халқнинг фикридир. Модомки, оддий одамлар у ёки бу масалада ҳайқилмай туман, шаҳар ёки вилоят прокуратурасига келишаётган, прокурорнинг ишларидан, халқларварлигидан, халққа, жамиятга нафи тегаётганидан бот-бот сўз очишаётган экан, демак, ўша прокурор халқ манфаати, мустақил давлатимиз раънақи йўлида астойдил ишлаяпти. Зеро, халқнинг фикридан ҳолис ва одил баҳо йўқ.

Сўхбатдош:
Исроил ИБРОҲИМОВ



Вилоят прокуратурасининг биноси.

БИР АЖОЙИБ ЮРТИМИЗ БОР

ДИЛ СЎЗИ

ОДАМЛАРГА
НАФИМ ТЕГСИН
ДЕЙМАН

Мантиқан олиб қараганда, дунёдаги ҳамма нарса каби бахт тушунчаси ҳам нисбий. Уни ҳар ким ўзича тасаввур этади. Менинг назаримда қўлингдан келганча одамларга ёрдам бера олсанг, бировларга нафиги тега, мушкулди осон бўлган кишиларнинг дуосини ололсанг, бундан орнинг замирида ушбу ибора пайдо бўлган.

Фаргона водийсидаги энг қадимий шаҳарларидан бири — **КОСОНСОЙ** шаҳридир. Бобур Косон ҳақида: "Ахсининг шимолида Косон тушгандир. У кичикроқ қасаба бўлиб, баҳаво ердир. Боғлари кўп ва бу боғлар асосан сой бўйларида бўлгани учун пўстини "пеш барра" (мақтаб айтилган сўз, "олдига қорақўл тери тутилган пўстин" мазмунда) деганлар" — деб ёзади. Олдинлари Косонсой шаҳрини Косон деб аташган, Косон ҳақида номаълум муаллиф томонидан ёзиб қолдирилган "Худуд ал-олам" (XI аср) асарида, Савмоний, Шахристоний ва Ёқут Хамавий каби олимларнинг асарларида ҳам маълумотлар учратиш мумкин. Манбаларда ёзилишича, Фаргона водийсининг шимолида жойлашган Косон шаҳри мелодгача бўлган II асрда Кушон давлатининг маъмурий ва ҳарбий маркази бўлган. Косон сўзи кушон этнонимининг ўзгарган шакли бўлса керак.

Ҳар қандай шаҳар ва қишлоқ ўз ўтмиши билан бой. Ўтмиш эса ёзма ёдномаларда, меъморчилик ёдгорликларида, халқнинг асил фарзан-длари ҳаёт дафтарларида, шунингдек, географик номларда муҳрланиб қолган. Ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва маҳалла-нинг иқтисодий, миллий, табиий хусусиятлари ҳақида уларнинг номларига қараб ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Чунки бу номлар асрлар давомида яхши ёмон

Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ўқиси, шу жумладан олий таълим даргоҳларида билим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу ҳуқуқни рўёбга қириши кишининг меҳнатига, иродасига, мақсад сари қатъият билан иштилошига боғлиқ. Бунга ўз бошимдан кечирдим. 1998 йили Марғилон шаҳридаги Аниқ фанлар лицейини битирганидан кейин Фаргона Давлат университетининг ҳуқуқшунос-лик факультетига ҳужжат топширдим. Бироқ биринчи йили ўқиги-га кира олмадим. Бир йил мобайнида ўқигиша, келгуси йилги тест сино-варига тайёргандим. Ўқиги ҳам меҳ-нат. Омад меҳнат қилганга ёр экан. Иккинчи йили тест синоварларидан юқори бал олиб, танлаган соҳам бўйича ўқигиша киришга муваффақ бўлдим. Ҳозир иккинчи курсни битираётиман. Конституциявий ҳуқуқ, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар ва бошқа фанлардан аяло ўқиб, ҳуқуқшунос талабаларнинг республика олимпиадасида қатнашишга муяссар бўлдим. Ал-Марғилоний стипендиясини ола бошладим.

Юртимизда фуқаролик ҳуқуқий жамияти барпо этилмоқда. Қонун устуворлиги бу жамиятнинг бош принциpidир. Шундай экан, жамиятда ҳуқуқий билимларни эгаллаш-га эҳтиёж тобора ортиб бораверади. Чунки турмушнинг, ҳаётнинг ўзи фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олишлари, мажбуриятларини билимаган ҳолда шикор этиб, ҳуқуқбу-зарлик содир этмасликлари учун қонунларни ўзлаштириб боришлари-га мажбур этади.

Мен қаерда, қим бўлиб ишла-шимдан қатъий назар, қонун доира-сида фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаётимнинг маз-мун-моҳиятига айланишини истай-ман.

Хушнуд ХАЙДАРОВ,
Фаргона Давлат университети
ҳуқуқшунослик факультети
талабаси

ЖОЙ НОМЛАРИ —
МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ҳар бир мамлакат, шаҳар, қишлоқ, маҳалланинг ўзи бир дунё. Ҳар бир ҳудуднинг ўз қиёфаси, тарихи ва қисмати бор. Ўзбекистонимизнинг жаннатмакон гўшаларидан бири қўна Фаргона водийсидир. Водий ўзининг табиати, иқлими, геогра-фик ўрни ва аҳолиси, маданияти билан ажралиб турганлиги туфайли Туркистоннинг гавҳари дейилади.

Водий ҳақида қанча-қанча китоблар, рисоалар, мақолалар ёзилган. Лекин яна бир буюк китоб борки, бу жой номлари — топонимлардир.

Фаргона водийси қадимий маданият марказларидан бири ҳисобланади. Тарихий манбаларда водийга оид Довон, Паркана, Эрши, Кува, Косон, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон каби жой номларининг тез-тез тилга олиниши фикримиз далилидир. Шулардан баъзилари хусусида тўхталиб ўтамиз.

АНДИЖОН водийнинг энг хуш-манзара, қўна шаҳарларидан бири. Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида турфа фикрлар мавжуд. Бир ривоятда айтилишича, шаҳар номи Афросиёб ноибининг қизи Андижон номидан келиб чиққан. Бошқа афсонада бу сўз шаҳарга асос солган "Анди" деган киши-нинг номидан келиб чиққан дейи-лади. X асрда яшаган араб геогра-фи ва сайёҳи ибн Ҳавқал Андижон тўғрисида "Деҳқончилиги ривож-ланган шаҳар, иқтисодий ва сиё-сий жиҳатдан ҳам ривожланган катта хунарамандлар шаҳри" деб ёзади.

Шаҳар Буюк ипак йўли пайдо бўлишининг дастлабки даврлари-да вуқудга келган. Араблар фатҳ этган даврда Андижон номи билан машҳур эди. Темурий ҳукмдорлар-нинг сўнгги намоёндаларидан бири Бобур Андижонда тутилган. "Бо-бурнома"да у шундай ёзади: "Мо-вароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўргонидан сўнгра мундин улугроқ қўргон йўқтур. Уч дарвозаси бор... Тўққиз тарнов сув қирар. Бу ажаб-дурким, бир ердан ҳам чиқмас... Эли туркдур...".

18-асрда Қўқон хонлиги ташкил топгач, Андижон олдинги маъму-рий ҳукмронлик макенини йўқотди ва Андижон беқлигининг маркази бўлиб қолди.

Шаҳарда маҳаллий халқ билан бирга яқин атрофдан, жумладан Шарқий Туркистон (Син-Цзян)дан келган кишилар ҳам яшаган. 20-аср бошларида шаҳар ўзининг ип-газмалари ва шойи моллари билан бутун водийда шухрат қозон-ганди. Бу моллар Фаргона водий-сидан ташқари узоқ жойларда ҳам қўллаб сотилган.

Андижон шаҳрининг тарихи қадимий ёзма манбаларда аниқ таърифланган бўлса-да, Андижон сўзининг этимологияси ҳозиргача илмий равишда исботланган эмас.

Андижон вилоятидаги энг ном-дор туманлардан бири **ХЎЖАО-БОД** туманидир. "Бобурнома" му-аллифи Ўш билан Андижон ўртаси-даги бир обод жой бўлганлигини эс-латида. Қадимги шаҳарларимиз-ни Хитой билан боғлайдиган савдо йўли шу Хўжаобод орқали ўтган. Бунинг гувоҳи сифатида ҳозирги кўнрача сақланиб қолган, Андижон-га Хўжаободдан борадиган йўл бошига қурилган Хитой консул-ининг биносини кўрсатадилар.

Хўжаобод сўзининг келиб чи-қиш тарихи ҳақида аниқ фикр- му-лоҳазалар бўлмаса-да, айрим тах-минлар бор. Юқорида таъкидлан-ганидай Хитойга борадиган савдо йўлида жойлашганлиги туфайли бу жойга бир гуруҳ хўжалар келиб жойлашиб қолишган. Шундан сўнг қишлоқ кенгайиб, хўжалар обод қилган дейишиб, номини Хўжао-бод қўйишган десалар, айрим ки-

рида рус мустамлакачи-лари эски шаҳар яқини-да ўзлари учун турар-жойлар қурдиради. На-тижада "янги шаҳар" ву-жудга келган.

Наманган вилоятида-ги катта туманлардан бири — **ЧОРТОҚ** туман-нидир. "Чортоқ" топони-ми баъзи манбаларида "тўрт тоғ" деб изоҳланади, аммо аслида бун-дай эмас, одатда кўпинча тўрт гум-базли (тўрт тоқиси бўлган) иншоот: арк, қўргон чортоқ дейилган. Баъ-зан тўрт томонидан кўриниб тура-диган қоровулхоналар, баланд ми-норалар ҳам чортоқ деб аталган.


Норин дарёси бўйида **УЧҚЎР-ҒОН** тумани жойлашган. Бундай ном олишига асосий сабаб, илгари Учқўргонда учта катта қўргон бўлган экан. Қўргон эгалари XIX асрда ҳозирги Учқўргон ҳудудида ҳукм-ронлик қилган. XX асрнинг 20-йил-ларида совет мустамлакачилиги даврида бу қўргонлар йўқ бўлиб кетган. Лекин Учқўргон номи сақ-ланиб қолган.

Баъзан халқимизнинг фольклори, мақоллари ва ҳикматли сўзла-рида ҳам жой номлари ишлатили-шини кўрамиз. Жумладан, халқи-мизда бирор киши хавфли ишга қўл урса ёки ёмон киши билан му-

лоқалла бўлса, "Онасини Учқўр-ғондан кўради" ибораси ишлатила-ди. Аслида бундай дейилишига сабаб, олдинлари Норин дарёсини кечиб ўтиш хавфли бўлган. дарё

кўнларни муҳрлаш учун халқнинг юрагидан чиққан сўзлардир.

Адхам АШУРОВ,
тарих фанлари номзоди



тобларда бу ердан ҳажга борган-лар кўп бўлганлиги туфайли ҳожи-лар обод қилган дейилади. Хуллас, Хўжаобод шаҳри тарихи ҳали ил-мий асосда тўла ечимини топма-ган.

Водийнинг яна бир гўзал мас-канларидан бири **НАМАНГАН** ша-ҳридир. Шаҳар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Бобурнинг "Бобурно-ма" асарида тилга олинади. На-манган топонимикаси ҳам ҳозир-гача бир неча хил изоҳланган, жум-ладан, Намаккон — туз кони; Но-мийган — "азиз ва номдор кишилар шаҳри", Наманг — "маржон", шун-дан Наманган — "маржон кони" деб изоҳ берилади.

Шаҳарнинг ривожланишига 1620 йилги Ахсикент зилзиласидан сўнг кўчиб келган аҳоли сезиларли таъ-сир қилган. Шунингдек, 1818-1822 йилларда Норин дарёсидан ўтка-зилган Янгиарик канали ҳам муҳим роль ўйнаган. Бу ерда хунараманд-чилик ва савдо-сотик ривожлан-ган. 18-асрда шаҳар Қўқон хонли-гига қарашли вилоят беқлигининг қароргоҳи бўлган. XIX аср охи-рла-

Фаргона вилояти шу дарвозадан бошланади.



ЯШИЛ БОЙЛИК ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Хар бир шаҳарнинг ўз латофатини намоён этадиган алоҳида хусусияти бор. Наманган азалдан гуллар шаҳри деб ном чиқарган бўлса, Фарғона соя-салкин боғ шаҳар сифатида доврўк қозонган. Кўчаларимизни безаган турли-туман дарахтлар, айниқса шаҳарликларнинг фахри бўлган азим чинорлар меҳмонларни ром этган. Фақат Фарғона эмас, Кўкон, Марғилон, Қувасой каби шаҳарлар, туман марказлари кўкаламзорлиги билан ажралиб туради. Шаҳарлараро йўлларнинг бўйидаги манзарали дарахтлар жазирама кўнларда дилга ором бағишлайди. Дарахтларнинг унумдор тўпроқ катламини шомол учуришидан асровчи, ҳавони тозаловчи бекиёс фазилати тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Афсуски, ана шу бебаҳо неъматни асраш, кўпайтириш ўрнига турли баҳоналар билан йўқ қилиб юборилмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бунга қарши таъсирчан қонуний чоралар кўрмапти. Шаҳар ва қишлоқларда дарахтлар кесиб ташланаётган ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва таъсияларни илгари суриш, рўёбга чиқариш борасида жиддий бош қотирмаяп-

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

хомашёни" бозорга олиб чиқиб, "даромад" олишга интиляптилар. Хусусан, Ёзёвон туманида яшовчи А.Аҳатов, А.Фуров, Ш.Шаропов ва бошқа фуқаролар Учкўприк тумани "Истикбол" жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги 126 тул қишлоқчи, дурадгор усталарга сотиб юборишган. Бунга табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Ёзёвон тумани бўйича назоратчиси А.Маматқулов сохта далолатнома ва чизмалар тайёрлаб бериб, бош қўшган. Ёзёвон туман прокуратураси жамоа ҳўжалигига 518 минг сўмдан зиёд зарар етказган "табиат кўриқчиси" ва унинг шерикларига нисбатан жиноят иши қўзғатди.

Риштон тумани М.Топиволдиев номли ширкат ҳўжалиги маъмурияти виллоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси берган рўхсатномага асосан фуқаро И.Турсунов билан 40 тул дарахтни кесиб олиш тўғрисида шартнома тузган. Бу ишдан мўмай даромад кўрган "тадбиркор" 21-бригада бошлиғи Ф.Жамоловага 30 минг сўм парча бериб, яна 31 тул

кўкариб турган толни ҳам кесиб кетиб, ширкат ҳўжалигига 500 минг сўмдан зиёд зарар етказди. Ушбу жиноят иши юзасидан ўтказилган тергов нўхоясига етказилиб, судга юборилди.

Муаммонинг яна бир тарафи ҳақида айрим мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Сир эмас, қиш ойлари табиий газга эҳтиёж кескин ортиб, айрим тумандаги магистрал қувурларда босим пасайиб зангори олов чекка қишлоқларга етиб бормапти. Бунинг устига

кўмир танқислиги туфайли айрим фуқаролар дарахтларни қирқиб, ўтин қилиб ёқишяпти. Мутасадди идоралар газ таъминотидаги узил-пишларнинг олдини олиш хусусида амалий таклифлар ва зангори оловни тежаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишлари керак. Лекин бу "тежамкорликдан" аҳоли зиён кўрмаслиги зарур.

Биз «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан ўтказган текширишнинг фақат бир жиҳатигагина тўхталдик. Текширишда қорхоналар томонидан содир этилган бошқа қонунбузарликлар ҳам аниқланиб, прокуратура таъсир чоралари қўрилди.

Бир тул қўчат экиб, кўкартиришнинг савоби бир умрга етгулик. Халқимизнинг мухтасар ибораси билан айтганда «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади». Фарзандларимизни халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ана шу яратувчилик аънаъаси, фазилати руҳида тарбиялашимиз лозим.

Ёқубжон ЭРҒАШЕВ,
Фарғона виллоят прокуратураси
умумий назорат бўлими
бошлигининг ўринбосари

ИСНОД

РЯЗОЛАТ

ЁХУД ГўДАК СОТМОҚЧИ БўЛГАН Аёл ҲАҚИДА

Тергов тажрибасида никоҳсиз туғилган, туғуруқхоналарга ташлаб кетилган чақалоқларни бефарзанд оилаларга фарзандликка бериш чоғи таъмагирилиб, порахўрлик каби жиноятлар учраган. Лекин аввалдан харидор билан келишиб, меҳрибон ота-онасининг бешиғида тинчгина ухлаётган чақалоқни ўғирлаш...

Йўқ, у чақалоқ ўғириси руҳий касал эмас, гўёхванд, пиёниста, юраги тошбағир эркак ҳам эмас, эндиғина 20 та кирган, оналик бахтини ҳис қилиш арафасида турган аёл! Хуришида 18 ёшида ота-онасининг юзига оёқ қўйиб, Умид деган йигит билан никоҳсиз яшай бошлади. Кейинчалик Умид ҳомиладорлигига қарамай, уни ташлаб кетди. Риштон туғуруқхонасидан «кўчада ортирган» боласини туғилиб ўсган қишлоғига, Чимёнга кўтариб боришдан «ор» қилиб, қўлига олмади. Барибир бола бола экан, Хуришида ачинган уйдагилар шу ерлик тирноққа зор бир қариндош аёл билан гаплашиб, чақалоқни фарзандликка расмийлаштириб бериши. Шу тариха гап-сўзлардан қўлқандак бўлишди. Бироқ бу аччиқ «тажриба» Хуришиданнинг эсини киргизмади, у «ишқий саргузаштларини» давом эттирaverди. «Умид зўрлаб, номуслимга текканди» деб уйдигилар олдида ўзини оқлаб олган «муштира» Улугбек исмли йигитни «ишқ тузоғига» илтириди. Хуришиданнинг бўйида бўлиб қолганини пайкаган Улугбек ҳам қорасини кўрсатмай қўйди. Ой-қўни яқинлашганда «ишқ қурбони» Олтиарик тумани, Файрат қишлоғидаги Хилолани қоралаб келди. Хилоланинг синглиси бир неча йил аввал Чимёнга келин бўлиб тушган, ўшанда улар танишиб, «опа-сингил» бўлиб олган эдилар. У беш йил аввал турмушга чиқиб ажраганини, бефарзандлигини, битта бола боқиб олиш орзусида юрганлигини биларди. Бироқ Хилоланинг онаси никоҳсиз туғилган болани уйига келтиришга кўнмади. Хуришиданнинг ўзи ҳам «булар уйимдагиларни яхши танийди, бола меникилигини айтиб қўйишса, уйдан хайдаламан», деган ҳайлга бориб, бу сафар чақалоқини туғуруқхонадан олмай, кетиб қолди. Орадан бир ойча ўтиб, 2000 йил декабрь ойи ўрталарида Хилоланинг уйига келди. Хилоланинг дарди ҳамоно ўша — бола боқиб олиш эди.

— Боламни бераман-у, озгина чиқими бор-да, — Хуришида арқонни узун ташлади.

— Рози қиламан!

Хуришида кўз остига олиб қўйган чақалоқ бор: қўшнилари Эркин ака ногирон, кўзи кўрмайди, бешта боласининг ҳаммаси ёш, кенжаси бир ёшга кирган. Хуришида Эркин аканинг уйига борди. Хотини Оқибатхон опа алоқа бўлимига нафақа пулини олгани чиқиб кетган, 12 ёшли қизи Шаҳноза укаларига қараб ўтирган. Хотини ҳаяллаб қолган, Эркин ака Шаҳнозани етказиб, почтага кетди. Хуришида фурсатни бой бермай, уйда ёлғиз қолган гўдакни кўтариб чиқиб, машинада Олтиарикқа жўнади. Иш силлиқ кўчаётган эди. Лекин Хилоланинг онаси яна тийхирлик қилди.

— Айтаяпман-у, Қалчугайдаги бекатдан топиб олдим, — деди Хуришида.

— Топиб олган бўлсанг, суриштириб келишди. Ўзинг олиб бор мелисига!

Хавфсиз қолган Хилолани қўндирга олмаган Хуришида ноилоҳ чақалоқни Олтиарик туман ИИБга кўтариб борди. «Қалчугайдаги бекатдан топиб олдим» деб алдаб, милицияда қолдириб кетди. Бешиқдаги боласи йўқолган ондизорнинг фарёди туман, виллоят ИИБ ходимларини оёвқа турғазди. Бир кундаёқ бола онасига қайтарилди. Уч кун ўтмай бола ўғирси — Х.Тешаева ҳибсга олинди...

Туман прокуратурасининг талаби билан бу жиноят Чимён шаҳарчасидаги хар бир маҳаллада муҳокама қилинди. Жиноятни келтириб чиқарган воқеа-ҳодисаларга мурасосозлик, болалар таълим-тарбияси, йигит-қизларни турмуш қуришга тайёрлашдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Анваржон ҲАПИЗОВ,

Фарғона тумани прокуратурининг ўринбосари

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

МЕНИНГ ЎРИКЗОРИМ

Илгари биронта узумзорни, боғни ёки полизани суриштирганларида «фалончи бўлимники ёки фалончи бригаданники» дейишарди. Боғнинг ҳам, узумзорнинг ҳам унда ишлаётганларга дахли йўқ, ёлланма ишчи маошга ишлайди. Боғ қанча ҳосил бериши боғбонга барибир, бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси, совхоз директорининг ишчи бошидаги «план» деб аталмиш таёғи таъсири билангина режадаги ҳосил олинardi. Истиклолнинг дастлабки йиллари совхоз жамоа ҳўжалигига айланиб, боғларни «оила пудрати» шаклида ижарага бериб кўрдилар. Бироқ кўпчилик пудратчилар ҳўқуқларидан фойдаланиб, мажбуриятларини бажармасдан, яъни келишилган ҳосилни етиштириб бермасдан ёки бир қисмини енг учиде пуллаб юбориб, «ўғитни бермади, техникасини бермади», деб ўзларини оқлаб, ҳўжалик зарар кўрaverди.

1999 йил охирида жамоа ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айланиб, эски шартноманинг барчаси бекор қилинди, боғ ва узумзорлар истаган, қурби етганларга, ширкат ҳўжалиги бошқаруви томонидан ижарага берилди бошланди. Ижарачи олдиндан боғ ёки узумзор ҳақининг 50 фоизини тўларди. Қолган 50 фоизини ҳосилни йиғиштириб сотганидан кейин беради. Ҳосилни қимга, қандай нархда сотади, ўзининг ихтиёрида. Ширкат ҳўжалиги ижарачига фақат суғориш учун сув бериб туришни зиммасига олади. Боғ, узумзор парварийсининг қолган барча харажатларига пулни ижарачи ўз қўнбагидан сарфлайди. Шартномадаги


боғ ҳақини тўла тўлаганидан кейин, фойдаси ҳам, зарари ҳам ўзига.

Бир сўз билан айтганда, ижарачи - боғнинг ҳақиқий ҳўжайини. Узаро сўзлашувда бу дарров кўзга ташланади. Энди бу 5-бригаданинг эмас, Неъматжоннинг боғи ёки Собиржоннинг боғи, деб йўл кўрсатишди.

Менинг 2 гектар ўрикзорим бор. 3 ўғил, 2 қизимни уйлаб-жойлаганман. Уғилларим Тоиржон, Шокиржон, Акмалжонлар ёрдамиде боғни шунақа парварияладикки, 27 ёшга кирган ўрикзордан қарийб 80 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Илгари боғ эгаси йўқлиғидан нари борса, 35-40 центнердан ҳосил беради. Ўз боғимиздан чиққан ўрикни харидорларга ўзимиз сотиб, бир миллион сўмдан кўпроқ даромад олдик. Ширкат ҳўжалиги олдидаги мажбуриятларимизни тўлиқ бажардик. Бошқа боғ сотиб олган ижарачилар ҳам битта уйда, кўпроқ ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад кўриш уйда ишлаб, ёмон бўлишмаяпти.

Ширкат ҳўжалигида ўзимнинг, турмуш ўртоғимнинг, фарзандларимнинг улуши бор. Бу улуш 59 минг сўмдан баҳоланган. Ишимиз ривожланса, улушимиз ҳам ортади. Истиклол берган мулкдорлик ҳўқуқи ана шундай рўёбга чиқаяпти.

Асқарали МАДАМИНОВ,
Фарғона тумани Тожижон Шодиева номли ширкат
ҳўжалиги ижарачиси



Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний боғи.

МУШОҲАДА

Ўз давлат мустақиллигининг шарафли ўн йиллигини нишонлаш арафасида турган Ўзбекистон бугунги қадар анча ўзгарди — унинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизими, тузилмалари янгиланди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона тизими ҳам нафақат ўзгарди, балки мутлақо янги бир тузилма сифатида вужудга келди.

Хўш, нимага асосланиб бундай деяпмиз? Аввало Ўзбекистонда божхона тизимининг мустақилликкача бўлган ҳолатига бир назар ташласак. Собиқ Иттифоқ даврида СССР ташқи савдо вазирлиги таркибида бўлиб келган божхона бошқармаси 1986 йилга келиб Давлат божхона назорати Бош бошқармасига айлантирилди. Лекин бу фақат Иттифоқ миқёсида эди.

си, бож таърифи тўғрисида ва давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Натижада Ўзбекистонда мустақил, янги божхона тизими вужудга келди. Божхона иши Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати тизимида устивор ўрин эгаллади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида божхона ишини ташкил этиш, божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, божхона органлари ҳамда уларнинг ваколатини белгилаш

раёни давом этаётган бир шароитда мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш бора-сидаги сиёсатини кўплаб давлат тузилмалари: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия муассасалари ва ташқи иқтисодий алоқалар идоралари амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда божхона органларининг бугунги энг асосий функцияси — бу фискал функцияси бўлиб, у давлат бюджетига маблағ тушириш фаолияти билан бел-

божхона хизматининг кадрлар сиёсати ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлатнинг ҳар қандай соҳасида ишнинг муваффақиятини ва самарасини кадрлар — ўз касбининг усталари, юксак профессионаллар таъминлайди.

Юксак малакали ва олий касб маҳорати — божхона хизматининг энг устувор шарти ҳисобланади.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг 14- сессиясидаги маърузасида XXI аср ара-

БОЖХОНА ТИЗИМИ: ЯНГИЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳри ўша пайти собиқ СССРнинг жанубий дарвозаси ҳисобланиб, хориждан учиб келган самолётлар Тошкентда тўхтаб ўтарди. Янги ҳаво йўллари очилиши муносабати билан 1959 йилда Тошкент аэропортида Термиз божхонасига бўйсунувчи божхона пости ташкил этилди. Етмишинчи йилларда собиқ Иттифоқда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиши муносабати билан ушбу пост Тошкент божхонасига, 1988 йилда эса Ўзбекистон божхонасига айлантирилди.

Ўша пайтлари божхона ишлари Москвадан туриб бошқарила, барча раҳбар ходимлар марказдан тайинланарди. Божхона томонидан мусодара қилинган товар-моддий бойликлар ва бож тушумлари Москва иктиёрига юборилар эди. Шунингдек, ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар давлат монополиясида бўлиб, ҳатто махсуслот ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам жажон бозорига мустақил чиқа олмас эди. Чунки ўша даврда том маънода, ҳақиқий давлат мустақиллиги (суверенитети) фақат собиқ СССРнинг яқка ўзига тегишли бўлиб, унинг таркибидаги республикалар бу ҳуқуқдан маҳрум эдилар.

1991 йили Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритиб, истиқлолни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун зудлик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошира бошлади. Эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида республиканинг миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат сиёсати ишлаб чиқилад бошланди ва уни амалга оширишга киришилди.

Ўзбекистон ташқи дунё учун очик, демократик давлат сифатида мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ ташқи иқтисодий муносабатлар, ташқи савдо соҳасидаги давлат монополиясига барҳам берди.

Мамлакатимизда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун кенг имкониятлар яратилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми кескин кўпайди.

Ана шундай вазиятда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ижобий натижалари билан бирга, салбий томонлари ҳам кўзга ташлана бошлади. Мамлакатимиз миллий бойликларини талон-тарож қилиш, арзон-гаровга чет элга ташиб кетиш, ички бозорни эса сифатсиз, ҳатто инсон соғлиғига ҳавф-хатар туғдирувчи товарлар билан тўлдириб юбориш ҳавфи мавжуд эканлиги

аниқ бўлиб қолди ва шу сабабли ташқи иқтисодий муносабатларда давлат назорати аҳамияти ўта юксак эканлиги, бу назорат шакллари ва услубларини тинимсиз такомиллаштириб бориш зарурияти оддий ҳақиқатга айланди.

Шунингдек, истиқлолдан олдин барча ташқи алоқаларнинг Ўзбекистон иштирокисиз амалга оширилганлиги, Ўзбекистон амалда ташқи оламдан узиб қўйилганлиги, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида миллий қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, миллий кадрларнинг камлиги мустақиллигининг маънавий дастлабки йилларида бир қатор жиддий қийинчиликлар ҳамда муаммоларни вужудга келтирди. Бундай аҳвол ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишчи қонунлар тизимини, ташқи алоқаларда мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга, иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолишга қодир бўлган давлат органлари мажмуини яратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Юқорида санаб ўтилган барча омиллар Ўзбекистонда божхона тизими сингари янги, алоҳида институтни жорий этиш ва уни такомиллаштириш зарурлигини тақозо этди.

Ўзбекистонда божхона тизими 1991 йилда ташкил этилиб, бу тизим йил сайин такомиллашиб борди. 1997 йил эса Ўзбекистонда божхона соҳаси ва божхона иши учун бурилиш йили бўлди.

Янги юртимизда ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлиги ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини мустақамлашда уларнинг родини кучайтириш мақсадида 1997 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Шу йил Божхона кодекс-

асослари мустақамлаб қўйилди.

Ўзбекистон — суверен давлат. У ўзининг ташқи ва ички сиёсатини мустақил белгилайди ва олиб боради. Давлат суверенитетининг бир бутунлигини таъминловчи уч таркибий қисм мавжуд. Улар давлатнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигидир. Ўша уч асосий белгиларидан бири — иқтисодий мустақиллигини таъминлашни кўзлаб ва ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш учун Ўзбекистонда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон божхона тизими ва хизмати бозор муносабатларига мос равишда шаклланди. У давлат органлари тизимида ўзига хос, махсус ва давлат ҳамда жамият равақи учун ўта муҳим функцияларни бажариши билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари асосланган бозор муносабатларига ўтиш жа-

пиланади.

Шунингдек, божхона органлари ташқи иқтисодий муносабатлар статистикаси ҳамда динамикасини кузатиб боради, умумлаштиради ва баҳо беради.

Божхона органлари ижро ҳокимияти тизимига кирувчи бошқарув органлари ҳисобланса-да, бир пайтнинг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳам ҳисобланади.

Божхона қонунчилиги бузилишига қарши, контрабанда жинояти, қурол-яроғ, наркотик моддаларни ноқонуний олиб ўтишга қарши кураш қабилар божхона органларининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Демак, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига янги, мустақил бир тузилма қўшилди.

Муҳими, ўша мураккаб ва масъулиятли вазифаларни самарали ҳаётга татбиқ этишнинг гарови —

фаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгиланишнинг асосий йўналишлари ҳақида қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати тугилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга бориб тақалаверади".

Божхона — давлат хизматининг энг нуфузли, энг муҳим соҳаларидан бири сифатида муносиб кадрларни танлаб олиш ва ишлатиш имкониятига эга.

Энди ҳамма гап ўша имкониятлардан ва салоҳиятдан самарали фойдаланишдадир.

Фарход РАХМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиш
академияси тингловчиси

КРИМИНАЛ

БАКИТБОЙНИНГ НАЙРАНГИ

Одам зоти борки, орзулар билан яшайди. Бизнинг ҳаётимизда Бакитбойнинг қалбига ҳам орзулар бегона эмас эди. Унинг нияти «Чимқўрғон» ширкат ҳўжалиги уюшмасидаги биронта қўйчилик фермасига бош қўпон бўлиш эди. Бунинг учун зимдан режалар қилиб ҳам юрарди. Ўзича "Фермага бошлиқ бўлсам, танишларимга қандай яшашни кўрсатиб қўйман" дерди. Бакитбой ниятига етди. Айрим-лар Беакитбойнинг 4-фермага бош қўпон бўлганидан кейинги ҳаётини қўриб ҳавас ҳам қиладиган бўлишди. У пулга эҳтиёжи бўлса, отардаги қўйлардан 3-4 тасини бозорга ҳайдатарди. Чўнтагини қаппайтиришни яхши билардию, бир кун келиб давлат мулки бўлган қўйлар учун жавоб беришини билмасди. У шу йўл билан 37 бош қўйни "тинчитди". 1998 йил ноябрь ойида 223 бош қўйни "Арсасой қўли" ёнида боқиб юриб йўқотиб қўйди. (У терговда ана шундай қўрсатма беради). Қўйлар ерга қирдимди, қўққа учдимди топа олмади. Бакитбой бу ҳақда на

туман ИИБга, на ҳўжалик раҳбарлигига хабар берди. Галвир сўвдан қўтарилиб, қўй саногига келганда у шундай найранг ишлатган эдики, буни ҳатто ҳўжаликнинг раҳбарлари ҳам пайкамай қолган эди.

Таниш ҳамкасби Лесбой Тугаевнинг 195 бош, Серикбой Сидиқовнинг 245 бош қўйларини ўзининг отаридаги қўйларга қўшиб қўяди. Найрангдан беҳабар санокчи-ҳисобчилар отардан камомад топа олмай кетишади.

Кўза кунда эмас, кунда синади деганларидай, яқинда ўтказилган қайта текширишда Бакитбойнинг найранглари фож бўлиб қолди. Унинг «Чимқўрғон» ижара ширкатига 3321250 сўм зарар етказгани маълум бўлди. У энди ўз қилмиши юзасидан "ҳисобот" берадиган бўлди.

М. НАЗАРОВ,
Зафаробод тумани прокуратураси
терговчиси, адлия маслаҳатчиси

УМУМБАШАРИЙ КАДРИЯТ

ЭНГ КАДИМДАН УЛУФ ҲОЯ

Дунёнинг қайси бир чеккасида борманг ёки матбуотга, телевидениега назар ташламанг инсон ҳуқуқлари терминини кўп бор эшитамиз. Асосий Қомусимизнинг иккинчи бўлими тўлалигича инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳамда унинг қафолатларини ўзида жо қилибгина қолмай, балки давлатимизнинг ҳам асосий вазифаси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, инсон ҳамда унинг келажақ авлоди учун муносиб шарт-шароитларни таъминлаш эканлигини эътироф этади. Ушбу мақоламизда эса инсон ҳуқуқлари гаёси ва амалиётининг тарихи ва бугуни ҳусусида сўз юритамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995—2005 йиллар кўраи заминимизда “Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги” деб эълон қилинди.

Шу ўринда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тарихига бир назар ташлашни жоиз деб билдик. Зеро тарих инсоннинг жамиятда яшайдан мақсади нима эканлигини ўқтиради. Бизга маълумки, қадимдан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гоёси дунёнинг жиддий муаммоларидан бири бўлиб келган.

Дунё тарихидан бизга маълумки, қулдорлик даврда қулларнинг умуман инсон қаторига киритилмаганлиги, инсонга нисбатан instrumentum vocale, яъни гапирувчи қурол деб қаралганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Уша даврнинг қонунлари ҳужайинга ўзининг “гапирувчи қурол”ини ҳада қилиш, сотиш, сотиб олиш, қатъий ўлдириш ҳуқуқларини берган эди. Мисол учун, қадимги Ҳиндистонда пайдо бўлган ведалар таълимоти инсон тўрт табақага — брахман (олий табақа, руҳонийлар), кшатрий (ҳарбийлар), вайшилар (деҳқонлар, ҳунармандлар), шудраларга (энг паст табақа, қолган уч табақага хизмат қилувчи) ажратилганлигини ўзида акс эттиради. Бу даврларда ижтимоий ҳаётнинг бу талқинда бўлиши ҳар бир индивидга табиий тарзда сингиб кетган эди. Қулларнинг ўзлари ҳам қул бўлиб туғилганлигига ишонишарди.

Ўрта асрларда ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи мақтарли аҳволда эмас эди. Бу даврда ҳокимият, ер ва мулкка фақатгина икки табақа — руҳонийлар ва зодагонлар даъвогарлик қилганлиги ҳолда, бу табақаларнинг дабдабали ҳаёт кечириши учун турли хил оғирликлар қўйиб табақа зиммасига тушганлиги маълум. Мана шундай бир даврларда инсон ҳуқуқлари тўғрисида қандайдисан бўлиши мумкин? Гарчи инсонни ўлдириш таъқиқланган бўлсада, мажбурий меҳнат, оғир тан жазолари — қархаллака тортиш, тўрт пора қилиш, оғизга эритилган металл қўйиш, суякларини синдириб юбориш даражасига борадиган исқанжани қўллаш каби жазо усуллари бўлган даврда инсон ҳуқуқлари ҳақида гапириш мантиқсизликдан

бошқа нарса эмас эди. Ҳатто бу даврда ўзига тўқ деҳқонлар ҳам ҳуқуқсизликдан азоб чекишган. Чунки улар турли хил имкониятлари, қобилиятлари, истеъдодлари бўлишига қарамай ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларига умуман яқинлаштирилмас эди.

Ўрта асрларнинг охирига келиб инсоннинг яшаш, эркинлик, тафаккур, эътиқод ҳуқуқлари гоёси юзага чиқа бошлади. Ижтимоий адолат, инсон эркинлиги ва қадр-қиммат гоёси аста-секин, аммо қатъий билан таҳқирланган ва ҳуқуқсиз одамлар, шунингдек инсонпарвар зиёлилар онгига пишиб етила борди.

Охир-оқибат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини масаласини ҳаётнинг ўзи қўндаланг қўйди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида кўплаб мутафаккирлар ўзларининг фикрларини билдира бошладилар. Шунингдек, бу даврларда инсон ҳуқуқларига доир турли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг юзага келиши ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ривожланиб бориши бир неча босқичга ажратилади:

Биринчи босқич. 1789 йилдан бошлаб то биринчи жаҳон уруши давригача давом этади. Бу даврнинг бошланиши 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Француз декларацияси билан белгиланди. Бу босқичда шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар борасида қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Биринчи босқичда инсоннинг қуйидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ривожланиши, таркиб топишига имконият яратилди:

- а) шахс эркинлиги ва фуқаро тенглиги;
- б) шахс дахлсизлиги;
- в) ҳусусий мулк ҳуқуқи;
- г) салов ҳуқуқи.

Иккинчи босқич. Йигирманчи асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бу даврда ижтимоий гоёлар ва ҳаракатлар таъсирида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланди. Бу босқичнинг моҳияти қуйидаги ҳуқуқларнинг юзага келиши билан изоҳланади:

- а) меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- б) дам олиш ҳуқуқи;
- в) ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи ва бошқаларид.

Иккинчи босқичдаги ўзгаришлар асосида Франция ва Швециядаги ижтимоий қонунчилик, 1920 йилги Веймар конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги конституциялари дунё юзини кўрди.

Учинчи босқич. Бу давр йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб то ҳозирги давргача давом этади ва у инсон ҳуқуқ - эркинликларининг янада тараққий этиши билан белгиланди. Бу даврда:

- а) тинч яшаш ҳуқуқи;
- б) соф ва тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- в) ахборот олиш ҳуқуқи каби бошқа бир қанча ҳуқуқ ва эркинликлар вужудга келди.

БМТ томонидан 80 га яқин, Европа кенгаши томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКОда 70 дан ортиқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши томонидан 90 дан ортиқ ҳамда бошқа турли хил минтақавий ташкилотлар томонидан жамиятнинг олий қадрияти бўлган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид кўплаб халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирда Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд.

Инсоннинг қўлга киритган энг қатъий ҳуқуқларидан бири, сабр-матонат билан олиб борган курашлари натижаси ўларок, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини борасида туб ўзгаришларни амалга оширди.

Инсоннинг қўлга киритган энг қатъий ҳуқуқларидан бири, сабр-матонат билан олиб борган курашлари натижаси ўларок, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини борасида туб ўзгаришларни амалга оширди. Ушбу декларация бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, демократияни ижтимоий ҳаётга янада қучқорроқ сингдириш борасида амалга оширилган буюк ишлардан биридир. Ушбу декларациядаги гоёлар дунёнинг демократик давлатлари конституциялари таркибидан муносиб ўрин эгаллаган. Шу жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил республикаимиз Конституцияси учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

Буюк мутафаккир Низомий Ганжавий “оқ танли ҳам, қора танли ҳам шун замин фарзандларидир” деган эди. Биз юқорида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тарихига бир назар ташлашни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик, зеро инсон ҳуқуқлари гоёси кеча ёки кимдир томонидан яратилган йўқ. Бу гоё инсониятнинг тинимсиз олиб борган кураши, интилишлари, орзу-умидлари самарасидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан баҳраманд бўлиш ер юзидagi ҳар бир инсоннинг унинг ирқию эътиқодидан қатъий назар, одамзодга берилган олий неъматлардан биридир.

Муродилла АБДУХАКИМОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтининг 2-хуқуқ факультетининг талабаси



Прокуратура идоралари томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кейинги пайтда алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, бу ишлар Навоий вилоят прокуратура идораларида ҳам яхши йўлга қўйилган.

Суратда: Кармана тумани прокурори М.Умаров туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этган фуқаро билан суҳбатлашмоқда.

НАЗОРАТ

ФЕРМЕРГА КИМ МАДАДКОР?

Маълумки, “Фермер ҳўжаликлари тўғрисида”ги Қонун фермер ҳўжаликлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, фермер ҳўжаликларининг маҳаллий бошқарув идоралари, ширкат ҳўжаликлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган. Бироқ, айрим маҳаллий ҳокимият идоралари мансабдорлари томонидан қонун талабларга риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Туманимизда 523 таси фермер ҳўжалиги бўлиб, бу кўрсаткич вилоятдаги барча фермерларнинг учдан бирига тенгдир.

Банклар фермер ҳўжаликлари учун имтиёзли ва бошқа кредитлардан ёрдам берилиши лозим бўлсада, тумандаги бирорта ҳам фермер ҳўжалигига кредитлар берилмаган.

Бундан ташқари, фермер ҳўжаликлари давлатга пахта ва бугдой сотиш натижасида вужудга келган 300 млн. сўмдан зиёд иш ҳақларини ундир олмасдан сарсон бўлмоқдалар.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликларига ёқилғи-мойлаш материалларини белгиланган фондлар бўйича тарқатиш, уларнинг сарфи устидан назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аксарият фермер ҳўжаликларида ёқилғи ва мойлаш материалларини сақлаш учун тегишли шароит яратилмаганлиги, ширкат ҳўжаликларидаги мавжуд сигимлардан фойдаланиш орқали марказлашган тартибда қўйилмаганлиги, ёқилғиларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши таъминланмаганлиги, маъмурий харажатлар учун ёқилғи сарфлаш меъёрларига риоя қилинмаганлиги оқибатида, турли қонунбузарликлар келиб чиққан.

Жумладан, ихтиёрида бор йўғи 11 та фермер ҳўжалиги бўлган “Турон” кооперативининг собиқ раҳбари Т.Ҳотамова 2000 йилнинг ноябрь - декабрь ойларида ишлаб чиқариш учун ажратилган 1600 литр бензинни фермерларнинг рухсатисиз шахсий машинасига сарфлаб юборган.

Маҳаллий ҳокимият ва ширкат ҳўжаликлари томонидан кооперативларга бирлашган фермер ҳўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашушга йўл қўйилган. Вакиллик раҳбарияти бунинг олдини олиш чорасини кўриш ўрнига, маъмур қонунсиз фаолиятда иштирок этган.

Кейинги йилларда туман ҳокимлиги томонидан фермерларга ажратилган ер участкаларига қишлоқ ҳўжалик экинларини белгиланган режалар асосида жойлаштириш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, аммо чорвачилик, полиз ва богдорчилик йўналишлари бўйича фаолият кўрсатаётган фермерларнинг ерларига ҳам қандай йўллар билан бўлмасин пахта ва дон экинларини экишга ҳаракат қилинмоқда.

Бунинг натижасида туманда гўшт, сут, пиёз, сабзи, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномавий режалар бажарилмасдан қолган. Гўшт ишлаб чиқариш 1999 йилда 227 тоннадан 132 тоннага, сут ишлаб чиқариш 1383 тоннадан 805 тоннага, қорамоллар бош сони 3460 тадан 2956 тага, қўйлар 606 тадан 529 тага камайиб кетган.

Туман прокуратураси бу камчиликларни бартараф этишга қаратилган таъсир чораларини кўрди.

А.ТУРҒУНОВ,
Балиқчи туман прокурори

...Ўрта асрларнинг охирига келиб инсоннинг яшаш, эркинлик, тафаккур, эътиқод ҳуқуқлари гоёси юзага чиқа бошлади..

БУГУН ВА КЕЛАЖАК КУШАНДАСИ

КЕЧА ХАЛҚАРО ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА АСР ВАБОСИНИНГ ЙЎЛИГА МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ ҚЎЙИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Гиёхвандлик. Унинг замирида қанча-қанча ситамлар ётибди. Унинг кўчасига кирганлар ўзигидан айрилиб қоладилар. Бу оғу тузоғига тушганлар умридан ҳаловат кетади, оилалар парокандаликка юз тутаяди. У кимгадир қайғу-алам олиб келса, яна кимгадир йиллаб қамоқ азобларини тортиқ қилади. Олибсатар қамалса-қамалар, лекин ўша оғуни татиб кўрган одам ҳеч қачон унинг кўчасидан чиқолмаслиги тайин. Бу — гиёхванднинг биттага кўпайгани демасдир. Гиёхвандликка қарши кураш менимча, оиладан бошланса керак. Оиладан тартиб-интизом бўлса, ҳар бир ота-она фарзандининг қаерда нима билан машғуллигини даволат бўлиб турса эди, қанча-қанча ёшлар гиёхвандлик кўчасига кириб қолишдан ўзларини тийган бўлар эди. Гиёхвандликка қарши кураш бу ҳар бир фуқаронинг бурчига айланиши лозим.

Республикада гиёхвандликка қарши кураш кескин тарзда олиб бориладилар. Боши берк кўчада адашиб қолганлар прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора

ҳодимларининг ҳаракатлари туфайли залолат ботқоғидан тортиб олинмоқда.

Гиёхвандликка қарши кураш чора-тадбирлари тўғри белгиланганлиги бир қатор жиноятларнинг очирилишига олиб келди. 2001 йилнинг ўтган беш ойи давомида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда гиёхвандликка қарши кураш, бу йўлга адашиб кириб қолаётганларни тўғри йўлга солиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Шу билан биргаликда, наркотик моддаларни ноқонуний етиштириш, бошқа усуллар билан тайёрлаш, сотиш, саклаш, олиб ўтиш каби жиноий ҳаракатларни фош қилишга қаратилган махсус тадбирлар амалга оширилди.

Наркотик моддалар билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, жиноий гуруҳларни ашёвий далиллар билан биргаликда қўлга олиш ишлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг доимий диққат марказида турибди. Чунки,

тадбирлар ўтказилиши натижасида жиноий йилнинг ўтган беш ойи давомида Тошкент шаҳрида 780 та наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар аниқланди. Шундан 268 таси наркотик моддаларни тарқатиш, сотиш ва ноқонуний ўтказиш билан боғлиқдир. Бунда 44 кг дан зиёددроқ ҳар хил турдаги наркотик моддалар олинди.

Шунингдек, "бангхоналар"ни, аниқлаш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилиши ҳам ўз самарасини берди. Гиёхвандликка ружу қўйган 13 та шахс наркотик моддаларни истеъмол қилишга ўз уйида шароит яратиб берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек таъкидлаш кераки, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 12 таси МДХ мамлакатлари фуқароларидир. Улардан 18 кг турли хилдаги наркотик моддалар олинган.

2001 йил 11 январь куни Юнусобод туманида Фарғона вилоятидан келган М.Ақбаров 1 кг 381 гр героин наркотик моддасини

сотмоқчи бўлган вақтида ушланган.

Эки 2001 йил 31 март куни Чилонзор туманида Туркменистон Республикаси фуқароси О.Йўлдошев 573,31 гр. марихуана моддасини сотмоқчи бўлганида қўлга олинган. Бу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳозирда улар юзасидан суднинг қонуний қучга кирган ҳукмлари мавжуд.

Шу ўринда бир савол туғилади: телевидение ёки газеталарда фалончи фалон жиноят устида қўлга тушибди, деган гаплар қулоғимизга чалиниб қолса, уни диққат билан эшитишга ҳаракат қиламиз. Аммо маҳаллада ёки қўшни хонадонда нималар бўлаётганига бефарқмиз. Нера? Гиёхвандликка муштаро бўлганларнинг нафақат бугунги осуда турмушимизга, балки эртанги кунимиз учун ҳам улкан хавф эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

У.СУННАТОВ,

Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи

ВАЪДА

“ЎҒЛИМ БОШҚА ЖИНОЯТ ҚИЛМАЙДИ”

МУШТИПАР ОНА ЮРТБОШИМИЗГА ЁЗГАН ХАТИДА ШУНДАЙ ВАЪДА БЕРАДИ

Яқинда тахририятимизга ўзини Гулора Собирова деб таниш-тирган аёл кириб келди. Онанинг гап бошлаши қийин кечди. Кўз ёшларини тўхтатолмай анча вақт ўтирди.

— Юртбошимизни ўла-ўлғунимча дуо қиламан, илоҳо умрлари зиёда бўлсин, — йиғи аралаш такрорларди она.

Гулора онанинг бу қадар меҳр билан, изтироб билан гапиришлари сирини билгимиз келди.

— Хиваданман. Тўрт нафар фарзандим бор, — гап бошлади аёл. — Президентимизнинг адашиб нотўғри оқимларга кириб қолган фарзандларимизнинг гуноҳидан кечиб ҳақидаги фармони кўнглимнинг дардларига малҳам бўлди. Менинг ҳам фарзандим Эргашбек Исмоилов билиб-билмай ота-онасини, оиласини ташлаб ақидапарастлар сафига қўшилганди. Она боласи учун қуймасин экан. Ўғлимнинг тирик-ўлиқлигини билмай жонимда жон қолмади, кунларим беҳаловат, фақат кўз ёшимга овуниб кун кечира бошладим.

Юртбошимиз фармони менга куч ва қанот бағишлади. Уни қўлимга олиб, аёл бошим билан олис юртларни кезиб боламни ахтардим. Ниҳоят дарагини топиб, минг бир чигириклардан омон ўтиб, жаннатмакон Ўзбекистонга, оиламизга қайтдик.

Ўғлим қилган ишдан пушаймон. «Онажон, адашдим, ёмон адашдим. Қолган умримни айбимни ювишга сарфлайман» дейди.

Юртбошимиз Хоразмга келганида Комилжон Отаниёзов қўшигидан парча келтирганди:

*Эт эларнинг боғи билан боғчаси
Ўз элимнинг янтоғича билиммас.*

Адашган фарзандларимизнинг гуноҳидан кечганларни, юрта қайтишга изн берганларни учун юртбошимиздан миннатдоримиз. Мен бу ҳақда юртбошимизнинг ўзига ҳам ёзиб юборгандим. Хатимда «Ўғлим жиноят кўчасига бошқа қирмайди, Ўзбекистонимиз учун меҳнат қилади. Келгусида элимизга, юртимизга муносиб фарзанд бўлиб етишадиган» деб ваъда бердим.

Биз ҳам Гулора онанинг ваъдасига ишонгимиз келди.

— Илтимос, миннатдорчилигимни юртбошимизга ва халқимизга газетангиз орқали яна бир бор билдирсангиз, — деди она, — чунки у кишидан қанча миннатдор бўлсак шунча оз.

**Б.УЛЛОБОЕВ,
“Хуқуқ” мухбири**

КИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ШОМ БИЛАН ТОНГ ОРАЛИҒИДА

ЮЗ БЕРГАН ҲОДИСА УЧ КИШИНИНГ ҲАЁТИДА
ҲАМАС ИЗ ҚОЛДИРДИ

дай қилиб қокиб қўйди. Қулиб айтган бўлса ҳам Ванянинг овози таҳдидли чиқди:

— «Ахакон», биз ҳақиру фақирларга озроқ пул зарур бўлиб қолди. Кейин қайтармаслик шарти билан қарз бериб туролмайсизми?

Болалиғида қароқчилар ҳақидаги киноларни кўрганда «тезроқ катта бўлсайдим, йўлтўсарлар йўлиқса, роса адабини берардим» дея орзу қилган Қурбонниёзов уч йўлтўсарни қўриб бироз шошиб қолди. У Қорақалпоғистонга бориб отасининг йилини ўтказиш учун дўст-ёрлардан қарзга олинган 38000 сўмни қандай қилиб ўзида саклаб қолиш ҳақида ўйлаётган эди.

— Ўзим ҳаммадан қарзману, — деди у беихтиёр. Шу пайт ияги тағида пичоқ турганлигини ҳис қилди.

— Бўлмаса, қурткани еч! Ванянинг шериклари Қурбонниёзовнинг чўнтақларини пайпаслаб, пулни қишлоққа олишлари ҳамон, «ў-ҳў» деганча ресторандарда югурдақлардан ҳам ўтказгудай чаққонлик билан қурткани ечиб олишди.

— Руслан, пулни бировдан қарзга олганман, эртага Нукуста кетишим керак, — деган товуш чиқарчқимас Ваня тигни Қурбонниёзовнинг бўйнига теккизди.

— Бировга гинг дейдиган бўлсанг, мана шу ерингдан сўйиб ташлайман, — Волков ўзини бўри, ёқасидан ушлаб турган кишини қўзимқаб деб тасаввур қилмоқда эди, шундай деб чаңғалидаги ёқани бўшатди.

Жаҳл келганда ақл қоцади, дей-

дилар. Шундоқ бурнинг тағида ажал нафасини ҳис қилганинда ҳам ақл шошиши рост эканки, ўзини эркин сезиши билан Қурбонниёзов ортига қарамай югуриб кетди.

Бу пайтда соат кечки саккиз яримлар бўлиб қолганди...

Қароқчилик билан топилган пулларни ҳам қилиб ўлғурмаган Русланинг қайфияти бузилганча бор эди. Қизларнинг олдида пулни талаб қилиб қолса, нима деган одам бўлади?

Тушунган йигит экан, Қурбонниёзов Русланини чеккага имлади.

— Пулни яхшиликча қайтаринглар, бўлмаса мелисага ариза ёзаман.

Бир нималар деб гўлдираган Русландан тайинли жавоб ололмаган жабрланувчи «ўзларингдан кўринглар» деганча йўлида давом этди.

Ванянинг уйи йўлида Олеса билан Руслани яна Қурбонниёзов қарши олди:

— Руслан, ўзларингга ёмон бўлади, пулни қайтаринглар!

— Жонга тенгдинг-ку, бор пулим мана шу, мана, — Руслан шундай дея чўнтагини ағдариб, ерга тушган икки дон қорғоз пулни тепкилади. У ғирт маст эди.

Бирон соатлардан сўнг ИИБ ҳодимлари Волковнинг уйи эшигини тақиллатишганда Руслан тошдай қотиб ухлаб ётар, боягина Олесанинг қўлғига келган ўй тасдиқланаётганида...

**Бегижон КАКАНБОВЕВ,
Ҳамза туман прокурори**

РЕКЛАМА

тижораи банки

№	Омонат турн	Сақланнш муддати	Фонзи	Ассей шартлари
1	Муддатсиз, жамғармасиз	оддий	16 % йиллик	Талаб қилиб олгунча сақланади, ҳоҳлаган пайтда қўйилади ва олинади.
2	Муддатсиз, жамғармасиз	Махсус қаролатили	16 % йиллик	Тизимдаги ҳоҳлаган банкта қўйилиб, ҳоҳлаган пайтда, ҳоҳлаган филиалдан олиш мумкин
3	«3 ойлик»	3 ой	3 ойга 10 %	3 ойдан кейин 10 % қўшиб берилади
4	«6 ойлик»	6 ой	6 ойга 21 %	ҳар 3 ойда 10.5 % дан, 6 ойда 21 % қўшиб берилади
5	«9 ойлик»	9 ой	9 ойга 32 %	ҳар 3 ойда 10.66 % дан, 9 ойда 32 % қўшиб берилади
6	«1 йиллик»	1 йил	40 % йиллик	ҳар ойда 3.3 % дан, 1 йилга 40 % қўшиб берилади
7	«Капитал»-1	3 йил	60 % йиллик	Фонзи бир йилда бир марта берилади, капитализация қилинмайди.
8	«Капитал»-2	2 йил	52 % йиллик	Фонзи ҳар 6 ойда берилади, капитализация қилинмайди.
9	«Капитал»-3	1 йил	42 % йиллик	Фонзи ҳар 3 ойда берилади, капитализация қилинмайди.
10	«Болажон»	2-7 йил	18 % йиллик	Ҳар йил акунюнда 18 % дан ҳисобланади, капитализация қилинади ва 18 йилда берилади.
11	«7x25»	1-7 йил	йиллик ўрт. 46 %	«Соғом ақлод» йили муносабати билан 1-7 йилда булган болалар учун очилган.
12	«Истикбол»	1,5 йил	йиллик ўрт. 20 %	1,5 йил муддатига 16 %, агар шу даврда омонатчи олий ўқув юртига ўқишга кирса 24 % дан тўланади.
13	«Янги оила»	2 йил	йиллик 12-18 %	Келин ёки кўеи учун алоҳида очилса 12 % йиллик, ҳар ихкаланида очилса 18% йиллик ҳар йил акунюнда тўлаб берилади. Агар шу даврда оилада фаранди тутилса, шу фаранд номита банк томонидан 2000 сумлик «Болажон» омонати очиллади.
14	«Комунал тўлов»	1 йилга	йиллик 42-48 %	10 майдан бошлаб қабул қилиноиб, Аҳоли уй-қой, коммунал тўлов ҳизматлари ва электр тўловлари учун қабул қилинса қилинса қилинмади. 42-48 % тўланади, фондлар омонатчи иштирокисиз коммунал тўловлари учун ўтказиш тарихда ўтказиб берилади.
15	«Ғаллақор»	1 йилга	йиллик 55 %	16 июндан 15 июлгача қабул қилиниб, бир йил сақланади, бир йилда бир марта фондлари тўланади. 10,0 минг сумдан 100,0 минг сумгача нақд пулда қабул қилинади.

2000 йил акциядорлик жамиятида почта жўнатмалари кузатувчи хужжатлари дастурлари янгиланганлиги (модернизация ва модернизация) 2001 йилдаги вазифалари амалга ошириш учун кўп келмдда. Бу йилги режалар асосида кўрсатилаётган хизматларда миқдор кўрсаткичлари ўсишини таъминлаш, ёзма корреспонденциялар 1,26 марта, посылка - 1,5 марта, почталарни қайта шифати нотиқини ошириш, Тошкент - Самарқанд - Қарши - Тошкент йўналишида янги автомобиль йўналишини очиб, қўшимча ва янги хизматлари излаш, электрон почтасини ҳаётга таъбиқ этиш вазифалари амалга оширилмдда. Акциядорлик жамиятига келаятган почта жўнатмаларига сифатли ва ўз вақтида ишлов бериш, корхонадаги технологикларнинг янгиланиши ва бошқа турдаги хизмат вазифаларини самарали олиб бориш Халқаро Почтамп акциядорлик жамиятининг йил якунида қўйилаётган икисодий ютуғиди.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

ЁШЛАР КАМОЛоти — МАҲАЛЛАДА

Пойтахтимиздаги "Чигатой Оқтепа" маҳалласи шаҳарнинг энг кўзга кўринган, намунали маҳаллаларидан биридир. Ушбу маҳалла республика миқёсида ўтказилган маҳаллалар кўрик-танловида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Албатта совриндор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир маҳалла аъзоси баҳамжihat иш юритиши, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, қисқаси ҳар ишда елкадош бўлишлари лозим. Бу ишларда эса маҳалла оқсоқоли бош бўлиши керак.

"Чигатой Оқтепа" маҳалласининг оқсоқоли Хайрулла ака Мўминовни чин маънода



Маҳаллада фаолият кўрсатаётган меҳр-муруват маркази.

маҳалланинг юраги дейиш мумкин. Хайрулла ака 1998 йилда маҳаллага оқсоқол этиб тайинланганди. Бир йил ўтмай Х. Мўминовга энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли унвони берилди. Бу бежиз эмас албатта, бунинг сабабини Хайрулла аканинг бир йилда қилиб улгурган ҳаракатларидан билса бўлади.

У кишининг ташаббуси билан "Чигатой Оқтепа"да меҳр-муруват маркази очилиб, кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат кўмак бериб келинмоқда. "Карима" хусусий шифохонасида эса тажрибали шифокорлар қарияларга, ногиронларга ва эҳтиёжманд оилаларга бепул хизмат кўрсатаётди. Айни кунларда эса С.Раҳимов туманидаги "Қорасарой" маҳалласида шифохонанинг диагностика марказини ишга тушириш учун қизгин иш олиб боришмоқда.

Хайрулла ака маҳалла ёшлари учун спорт комплекси, теннис майдончаси, футбол майдони ва шунга ўхшаш иншоотлар қурилишида бош бўлди.

—Келажагимизнинг буюк бўлиши аввало ёшларимиз қўлида. Уларга эътибор юртимиз раънақи қафолатидир. Ёшларни иш билан таъминлаш, спортга жалб қилиб, жисмонан бақувват ўстириш бизнинг бурчимиз, — дейди Хайрулла ака.

Маҳалланинг гуллаб-яшнашига бош бўлиб, ёшларни камолот чўққисига етаклаётган Хайрулла ака ўтган йилда ҳам энг намунали маҳалла оқсоқоли унвонига сазовор бўлди. Биз у кишига бўлгуси ишларида ҳам ривожлар тилаймиз**.

Музаффар БОБОЮСУПОВ

«АССА»

ДУКони

«Мерседес»,
«Форд»,
«Волво», «ДЭУ»,
«Опель», «Ауди»,
«Нексия», «Тико» ва
«Дамас» автомобил-
лари учун эҳтиёт
қисмларни энг
арзон нархларда
харид қилишга
таклиф этади.



ҲАҚ ТУЛАШ — Сиз ИСТАГАН УСУЛА!




МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор
кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72,
Fax: 55-78-86.



ФИЛИАЛЛАРИМИЗ:

Усмон Носир кўчаси,
20-уй.
Тел.: 55-42-88.

«Фарҳод» бозори,
Автоярмарка.
Тел.: 75-88-42.



«ТЕХНОЛОГ»:

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Мамлакатимиз машинасозлик корхоналарининг қалдирғочи ҳисобланмиш "Технолог" акционерлик жамияти ўтган йил ўзининг 80 йиллик юбилейини нишонлади.

"Технолог" акционерлик жамиятида ишлаб чиқилган агрегатлар ва махсус машиналар, автомат ва ярим автомат линиялари, ишлаб чиқариш механизация ускуналари нафақат республика корхоналарида, Россия, Туркменистон, Туркия ва бошқа давлатлар корхоналарида ҳам юксак кўрсаткичлар билан хизмат қилмоқда. Жамоанинг асосий иш йўналиши чет элдан олиб келинган махсус ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга қаратилган.

2000-2001 йил бошида жамоа хизматчилари, инженер-конструкторлари томонидан вагон ремонт корхонаси учун махсус машиналар тайёрлаб берилди.

"Технолог" акционерлик жамиятининг ишчилари Тошкент шаҳрини реконструкциялашда, ободонлаштиришда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шунингдек, қисқа вақт ичида Тошкент шаҳар ҳокимияти топириғига асосан кўприк қуришда ишлатиладиган сирпангич опалубка тайёрлаб берилди.

Ҳозирги кунда пойтахтнинг Юнусобод метро линияси ишга туширилишида "Технолог" АЖ

нинг ҳиссаси талайгина.


Айни кунларда Тошкент шаҳар ҳокимияти буйруғига асосан мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш учун қулайликлар яратиш мақсадида мазкур жамоага байрам трибунасини ишлаб чиқариш топирилган.

"Технолог" акционерлик жамияти Россия, Туркменистон ва Туркия корхоналари билан биргаликда илмий текшириш ва ишлаб чиқариш ишларини олиб бориб, 2000 йил 86,3 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди. 2001 йил бу кўрсаткич 124 минг долларга кўтарилиши кўзланган.

Ҳозирги кунда жамоа хизматчилари юқори технологиялар маркази очиб масаласида ишлашмоқда. Бунда асосан чет элдан олиб келинган ускуналарни ремонт қилиш, бошқарувчи программалар тузиш ва юқори технологияларни корхоналарга жойлаш кўзда тутилган.

Шу мақсадда "Технолог" акционерлик жамиятига республика инвестиция дастурига асосан замонавий "EUCLED 3" комплекси, "GALAXY 2" текшириш-ўлчов машинаси ва "POBOTRON" элетрозрозон фрейзер

ускунаси чет элдан келтириб ўрнатилди**.



РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.
Fax: 77-68-67.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ШАРҲЛАР

БИН ЛАДИННИНГ НАВБАТДАГИ ТАҲДИДИ

Куни кеча Фарб ахборот агентликлари террорчиларнинг машғулотлар жараёни тасвирланган видеолархона оммага тақдим этишди. Мазкур видеоларда АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари ва Cole эминци (ҳарбий кема)нинг портлаш жараёни, Усома бин Ладинга бўйсинувчи "Ал-Каъда" жангариларининг фаолияти акс эттирилган.

Эслатиб ўтамоқчи, Кения пойтахти Найробидеги ва Танзания пойтахти Дор-ус-Саломдаги АҚШ элчихоналарининг портлаши натижасида 300га яқин одам ҳаётдан кўз юмган эди. 2000 йилнинг октябрида Яман кирғоклари яқинида Cole ҳарбий кемасининг портлатилиши натижасида эса 17 денгизчи нобуд бўлган ва 40 дан зиёд киши ярдор бўлган эди.

Видеолардаги тасвирлардан шундай хулосага келиш мумкин экан: жангариларнинг ҳарбий тайёргарлиги махсус бўлинмалар (спецназ)даги тайёргарликдан деярли фарқ қилмайди. Жангарилар тайёргарлигида қандайдир "илоҳий услублар" ҳам

йўқ. Одатдаги ҳарбий машғулотлар: жисмоний машқлар, қўл жанги, қуроллардан фойдаланиш, бирор объектни эгаллаш, портлатишлар ва албатта ибодат... Яна бир фарқ — отиш машғулотида нишон

вазифасини АҚШ президентининг видеотасвирга туширилган ҳаракатдаги қиёфаси ўтайди.

Лекин ҳозирча бу видеолар ҳақиқатан "биринчи рақамли террорчи" буюртмасига асосан тайёрланганим ёхуд бошқа бир "биринчи" буюртмасими, аниқ эмас.

Махсус хизматлар аниқлаган маълумотларга қараганда, айни чоғда Усома бин Ладин

АҚШ президентига суиқасдни амалга оширишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу суиқасд "катта саккизлик" раҳбарларининг июль ойида Генуяда бўлиб ўтадиган учрашуви вақтига мўлжалланган. Шу сабабли ташкилотчилар мазкур учрашуви бошқа бир беҳавотирроқ жойда, мисол учун бирор ҳарбий базада ўтказиш хусусида ҳам ўйлаб туришибди.



РОССИЯ - АҚШ:

МУСОҲАБА УЧУН ЭСКИ МАВЗУ

1996 йилда АҚШнинг Саудия Арабистонидаги Даҳран авиабазасида террорчилик ҳаракатини содир этганликда гумон қилинган 14 киши (1 ливанлик ва 13 саудиялик араблар) устидан АҚШ Федерал ҳайъати расмий айблов эълон қилди. Бу ҳол расмий Вашингтон маъмуриятининг расмий Москва билан мусоҳабага киришувига яна бир баҳонаи сабаб бўлди. Гап шундаки, Даҳран авиабазасида содир этилган террорчиликнинг ижрочилари "Хизболлох" (Аллоҳ партияси)нинг шиалик оқимида мансуб аъзолари бўлиб, бу ҳолат ўз-ўзидан калаванининг учини Эронга олиб бориб тақайди. Аниқроғи, АҚШ МРБ (ФБР)си шундай хулоса ясамокда. Россия эса Эронга қурол-яроғ ва ядровий технологияларни етказиб беришга жиддий қиришиб кетган. Расмий Москва нуктаи назарича, Техрон режими халқаро хавфсизликка ҳеч ҳам таҳдид солмайди. Аксинча, оятуллох (шиаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эгалик унвони) сиёсати террорнинг жаҳон микёсидаги ҳар қандай кўринишини қўллаб-қувватлашни ўзларига маъқул топмайди. Яхшиси, АҚШ шиа оятлиқларига эмас, афғон толиблари, биринчи навбатда "биринчи рақамли террорчи" Усома бин Ладинга қарши бирон чора кўргани маъқул, деб ҳисоблайди Москва маъмурияти.

Жорж Буш ҳам, АҚШ бош прокурори Жон Эшкрофт ҳам федерал ҳайъатнинг Даҳрандаги портлашларни "Хизболлох" жангарилари содир этганлиги ва бунинг ортида Эрон ҳукумати, бўлмаганда махсус хизмати турганлиги ҳақидаги тахминларини маҳкам дастак қилиб олишди.

Қанчалик ижобий таассурот қолдирган бўлмасин, Владимир Путин учун яқиндагина юзма-юз ўтириб гурун қилган океан орти мамлакатидagi ҳамкасбини Россия Эронга сотаётган қуроллар "худо ярлақан" қайсидир кунда АҚШга қарашли бирор база, элчихона ёхуд ҳарбий кема ни портлатиш учун хизмат қилмаслигига ишонтариш осон кечма-япти.


Даҳрандаги террорчилик ҳаракати сўнгги йилларда содир этилаётган Америка империализмига қарши энг шов-шувли ҳунрезликлардан бири сифатида XX аср тарихига 1996 йил 25 июнь санаси билан кирган эди. Содириш портлаш оқибатида АҚШнинг 19 нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, 300 дан ортиғига турли хил даражада шикаст етган эди. Ушунда президентлик курсидаги Билл Клинтон ва унинг маъмурияти мазкур ҳунрезлик ижрочилари ва ташкилотчиларини топиш учун катта куч сарфлаган, аммо бунинг уддасидан чиқа олишмаган эди.

Террор ижрочилари ва ташкилотчиларининг жазосини бериш Буш ва унинг командасига насиб қилган кўринди. Қидирув ва тергов хулосалари энди, янги президент даврига келиб нихоя толди.

Оқ уй раҳбари Федерал ҳайъат хулосаси эълон қилиниши биланок, ўз фуқароларини "адолат тантана қилишига" ишонтаришга киришиб кетди.

Ушбу масалага бағишланган бош прокурор Жон Эшкрофт ва МРБ директори Луис Фри иштирокидаги матбуот конференциясидан АҚШ-ликлар жавоб чораларини кўриш учун ўзларини-ўзлари кўп ҳам куттирмайди, деган хулосага келиш мумкин. Бош прокурор ҳам ўша муҳим ҳунрезликни "Хизболлох"га ва унинг ортидаги эронийларга тўнмамоқда.

Айблов анча жиддий. Бу айблов анчадан бун халқаро майдонда Эронни яқаллаш учун пайт пойлаётган Вашингтон учун яхшигина туртки бўлиши мумкин.



БЕРИЯНИНГ ИЗДОШИ

Венесуэла хавфсизлик хизмати ходимлари қойилмақом операциянинг уддасидан чиқишди. Улар Перу хавфсизлик хизматининг собик шефи Владимир Монтесиносни ҳибсга олишга муваффақ бўлишди. Бу ҳақда жаҳон ОАВлари душанба куни хабар тарқатишган эди. Ҳўш, Владимир Монтесиносни ҳибсга олиниши нима учун жаҳон афкор оммаси диққатини ўзига қаратди?

Перу мамлакатаи жилови Альберто Фухиморо қўлида бўлган ўн йилликда Монтесиноснинг ўнги кўли эди. Бу манзарами "халқлар отаси" Иосиф Сталин давридаги Берия фаолиятига менгзасак, тасаввур қилишимиз осонроқ кечади. Ҳокими мутлоқ бўлган Монтесиноснинг шахсан ўзи катта микдордаги наркотикларни хорижга ўтказиш, ноқонуний қурол савдоси тепасида турган (унинг қурол савдосидаги фаолиятини минглаб Калашников автоматларининг колумбиялик партизанилар қўлига етиб бориши мисолида кўриш мумкин). Унинг қўл остида "ўлим эскадронлари" номини олган ярим ҳарбий киноятчилар тўдаси фаолият кўрсатган. Ҳукумат "ўлим эскадронлари"дан ўзининг сиёсий мухолифларини жисмонан йўқ қилишда самарали фойдаланган.



Ҳар нарсасида ибтидо ва интиҳо бўлгани каби Монтесинос даврони ҳам ўтган йилнинг сентябрига келиб якун толди. Ушунда мамлакат пойтахти Лимадаги телеканаллардан бири орқали махфий хизмат раҳбарининг Перу парламенти депутатларини президент Фухимори ваколатини учинчи муҳлатга ҳам узайтириш учун "сотиб олиш" жараёни тасвирланган видео тасма намойиш этилган, шу билан Берия издошининг қилмишлари бирин-кетини фаш бўла бошлаган эди.

Икки ойча ўтиб Фухимори ҳукуматдан кетди, тўғрироғи шунга мажбур этишди. У расмий ташриф билан Токиога келди ва у ердан миллатга қарата "энди Перуга қайтмайман" дея хабар жўнатди.

Перу янги ҳукуматининг ўйламай-нетмай Монтесиносни тутиб берганлар учун 5 млн. доллар ваъда қилиб юбориши боиси собиқ "СС"чини тутиш осон иш эмаслигидандир. Ўз ишининг устумони бошқа ном, сохта ҳужжатлар билан жойдан-жойга кўчиб яшар, лотин Америкасида, хаттоки Перу ичарисида яшаб юрса-да, уни ҳеч ким қидирувдаги Монтесинос деб ўйламас эди.

Каракас (Венесуэла пойтахти) клиникаларидан бирининг жарроҳи ўтган йили декабрда Кариб денгизидидаги Аруба оролидан келган худди шу кишини пластик операция қилганлигини эътироф этган.

Венесуэла президенти Уго Чавес матбуот конференциясида махсус хизмат ходимлари Каракасининг камбағаллар яшайдиган кварталларидан бошлана толган шубҳали кишини кузатиш ва қўлга олиш учун бир неча кун овера бўлишгани ҳақида маълум қилди. Монтесиносни вақтида тутишган, чуқки у ўз "қўналғаси"ни янгилаш ҳаракатида эди.

"Монтесиносни Перу ҳукумати қўлга топириши масаласи 24 соат ичида ҳал бўлади", — дея тасдиқлади Венесуэла раҳбари.

ТЎҚНАШУВЛАР БАРҲАМ ТОПМАЯПТИ

Душанба куни Македония телерадиовидеоси Арачиновадаги тўқнашувлар чоғида албан айирмачиларидан 750 нафари қурбон бўлганлиги, 250 нафари эса яранганлиги ҳақида маълумот тарқатди. 25 июнь куни пойтахт Скопье яқинидаги мазкур аҳоли пунктига ЕХХТ ва Қизил Хоч жамияти вокиллари етиб қилишди.

Македония қуроли қулачлари бош штаби ходим, полковник Благой Марковскийнинг хабар беришича, албан жангарилари ҳамон провокациялар уюштиришда давом этмоқда.



Францияда бўлиб ўтган ҳарбий авиатехникалар кўргазмаси бу гал россиялик ҳарбий самолётсозлар учун янада муваффақиятсиз якунланди. Русларнинг ҳарбий техникаларини сотиш бўйича биронта шартнома имзолай олмаганликлари етмагандек, уларнинг «темир қанотлари» билан боғлиқ маш-машалар бутун дунёда шов-шув бўлди. Россия ҳукумати эса «самолёт можаролари» билан боғлиқ ишларга тез қуларда ойдинлик киритиб, масалага нукта қўйилишини билдирган.

Суратда: Нафакат Россияда, балки дунёга машҳур кўп мақсадли қирувчи самолётлардан бири.

ТЕХРОН СУДИНИНГ ҚАРОРИ

Душанба куни Эрон ОАВлари Техрон суди «Мах-давият» диний ташкилотининг икки аъзосини ўлим жазосига ҳукм қилганлиги ҳақида хабар тарқатди. Айни пайтда ҳибсда сақланаётган бу икки киши ва уларнинг шериклари кўпуровчилик ва террорчилик ҳаракатлари содир этганликда айланмоқда.

Улар 1999 йилда судья Али Розиний ҳаётига қилинган суиқасдда иштирок этишган. Ушунда Али Розинийнинг шахсий автомобилига ўрна-тилган бомба портлаши натижасида оғир ярдор бўлган эди. Кўпуровчилик ҳаракати сифатида уларнинг Эрон ҳукуматида тўнтариш қилишига уринишини кўрсатишмоқдаки, мазкур мамлакат қонунарида бундай жиноят учун шафқатсиз жазо тайинланган.

Саҳифани шарҳловчи Ш.ЁДГОРОВ тайёрлаган

ЧЕМПИОННИНГ ОНАСИ БИЛАН СУХБАТ

Уни ҳатто қўшни маҳаллада ҳам танишмас эди. Бугун эса Махфиратхон аяни билмаган одам йўқ. Кимсан — бокс бўйича Осиё чемпиони, Осиё, Жаҳон кубоклари соҳиби, Жаҳон чемпиони, Олимпиада ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг онаси. Махфиратхон ая билан суҳбатимиз самимий кечди.

ми?! Очиғи, ўғлим билан бутун халқ, ҳатто юртбошимиз гурурланади, деб сира уйламагандим. Етказганига минг бор шукр.

— **Айтинг-чи, кейинги йилларда фарзандингиз ғалабалардан ҳаволаниб кетмайдими?**

— Баъзида унда мағрурлик аломатларини сезаман. Бу ўз меҳнати

билан юксак натижаларга эришган ҳар қандай инсон учун бегона бўлмас керак. Бироқ унга доим оддий, камтар бўлиш кераклигини ўқираман. Олим, амалдор бўлиб, ҳатто машҳур спортчи бўлиб инсон бўла олмаганлар ҳам бор-ку дунёда.

— **Оналарга тилакларингиз.**

— Муҳаммадқодир нафақат менинг, балки бутун ўзбек халқини фарзанди. Шундай фарзандлар сафи кенгаверсин, юртимиз шаъни, шухратини дунёга таратсин. Шунда фарзандларимиз билан фахранимиз, гурурланамиз. Шундай бахт ҳар бир ота-онага насиб этсин.

Суҳбатдош: Т.СИДДИҚОВ

МУТОЙБА

ХОМКАЁЛ ЁХУД

«ЭЗИЛГАН ЭРКАКЛАР ЖАМИЯТИ»

(Охири. Боши ўтган сонда)

Шуни ўйламасам бўларкан. Айтганимдай кечикиб ишхонага кириб борсам, йўлакда котиба опа қалам-дафтар тутганча кечикканларнинг исмларини ёзиб турган экан.

— Мана, яна битта ходимимиз ўн беш дақиқа кечикиб келди, — деди у хўжайиннинг хонасига эшитарили қилиб.

— Ўн беш эмас, беш дақиқа кечикканларнинг ҳам исмларини ёзиб, менга кириб, — деган овоз эшитилди ичкаридан. — Энди кечикувчиларнинг кечиккан вақтлари учун иш ҳақидан чегириб қолишга буйруқ бермасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Жойимга ўтирарканман, ишни нимадан бошлашни билмасдим. Ўзимни худди маҳзаргоҳда тургандек ҳис этардим. Беш-ўн дақиқадан кейин савол-жавоб бошланганини кўнглим сезиб турарди. Тўсатдан йўлакда бухгалтеримизнинг овози жаранглади:

— Ҳар битта ходимдан беш юз сўмдан йиғинг. Бугун кассиримиз Акмал аканинг туғилган кунлари. Бир пиёла чой ташкил қилмасам бўлмайди. Акмал аканинг туғилган куни шарофати билан бир қанча ходимларимиз қатори мен ҳам бошлиқнинг хонасида ўтказиладиган савол-жавобдан омон қолдим. Тушлик пайти «бир пиёла чой» ташкил этилди. Суҳбат давомида бухгалтеримиз руҳимизни осмон қадар кўтариб юборди. Эртага мояна оларканмиз. Бунинг устига таътилга чиқаямман. Демак, икки ойлик муллажиринг қўлга тегади. Шошмай тур, хотинбой, мана энди мен сенга кўрсатиб қўяман «қўлидан бир иш келмайдиган латтачайнар» нималарга қодир эканлигини... Ўзинг ҳам анча ҳаддан ошиб кетгандинг. Диванга ўтиргизиб, бошингдан пул сочмасам, юрган эканман.

Аммо барибир, эркакларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини муҳофаза қиладиган қандайдир ташкилот тузиш лозимга ўхшайди.

Ходимларимиз еб-ичиш билан банд, мен эса тузилажак ташкилотнинг уставини ўйлайман. Эҳтимол, ташкилот «масъулияти чекланган жамият» шаклида бўлар, аммо асосий гап шаклда эмас.

Биринчи навбатда бу жамият эркакларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилиши даркор. Зеро, барча эркакларимиз ўзларининг ҳуқуқларини қарра-қарра сингари ёд билмасалар, вазиятни ўзгартириб бўлмайди. Шаҳарлардаги аҳолига ҳали бир мунча чидаса бўлади, аммо қишлоқ жойларда яшовчи эркакларнинг аҳоли чаток... Улар томорқа, жамоа ҳўжалиги даласи, яна ҳовли ва молхона доирасида бутунлай ўралашиб қолганга ўхшайди.

Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи топталаётганлиги тўғрисида миш-мишлар бор. Ишончли манбаларнинг таъкидлашича, баъзи бир ўзи хон, қўланкаси майдон янгалар шундоғам эзилган эрларини энг оддий ҳуқуқлардан, яъни шанба ва яшанба кунлари чойхонада тўланиб, бир пиёла чой, кейин ошхўрлик, сўнгра яна бир пиёла чой устида фикр алмашиш, суҳбатлашиш ҳуқуқидан маҳрум этишгаётганмиш.

Акмал аканинг туғилган куни шарафига уюштирилган «бир пиёла чой» тугади. Бу «бир пиёла чой» шундоғам бўм-бўш чўнтақларимизни янада бўшатганига ҳамда бухгалтеримиз йиғилган пуллар қилинган харажатлар олдида урвоқ ҳам бўлмаслигини, шу сабабдан эртага ойликдан яна шунчадан чегириб қолишга мажбурлигини эълон қилганигига қарамасдан яхши ўтди. Ҳар ҳолда мен тузилажак ташкилот уставининг элик фоиизини миямда пиштириб олдим. Ўйга қайтарканман, йўл-йўлакка яна шу тўғрида ўйлаб кетдим. Ўйга келсам, болалар дарс қилиш билан банд, хотиним ҳали ишдан қайтмаган экан. Тўғри ижодхонамга кириб, фикрларимни қозғога тушира бошладим.

Шундай қилиб, тузилажак ташкилот «Эзилган эркаклар жамияти» деб аталади. У масъулияти чекланган жамият шаклида бўлиб, вояга етган ва етмаган, меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз, ёлғиз ва оилали, кекса ва ёш эркакларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлади.

«Эзилган эркаклар» МЧЖ эркакларни хотин-қизлар билан тенг ҳуқуқли қилиш борасида фаолият олиб боради.

Ташкилот ўз думалок мўҳри ва учбурчак тамғасига эга бўлиб, уларда эзилган «Эзилган эркаклар жамияти» ҳамда «Эзилган эркаклар» МЧЖ ёзувлари тенг ҳуқуқий қўчга эга бўлади. Жамиятнинг уставини буйича:

1. Эркаклар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Оилада уларга ҳўжаларча муносабатда бўлиш, шанба, яшанба кунлари уларни турли уй ишларига жалб этиш, гилам қоқишга, бузилган эшик-деразаларни тузатишга, ахлатларни чиқариб тўкишга мажбур қилиш қатъиян таъқиқланади.

2. Эркаклар билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Кечки овқатдан сўнг ёнбошлаб, телевизор кўриб ёки газета-журнал ўқиш билимларини ошираётган пайтларида уларга ҳалақит бериб, турли тўй-ҳашамларга суд-рас, совға-салом олишга мажбур этиш таъқиқланади.

3. Эркаклар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Олган моюналарининг хоҳлаган қисминини ўз чўнтақларида хусусий мулк сифатида қолдириб, ўзлари хоҳлаганча тасарруф этишлари мумкин.

Эшикнинг қаттиқ тақиллашадиган уйғониб кетдим. Уставни қозғога тушираётиб, бошимни ёзув машинкасига қўйганча, мудраб қолган эканман. Бориб эшикни очдим. Икки қўлида тўрхалта кўтарганча хотиним ҳаллослаб ўйга кирди. Қўлидан тўрхалталарни олиб, ошхонага йўналдим.

— Мана, барча керакли нарсаларни ўзим олиб келдим. Эртага ойлигингизни қуртдай санаб берасиз. Ишончдан изга кўнгирок қилган эдим, — деди у диванга чўкар экан. — Ха, айтгандай, бир ҳафтадан кейин амакимларникида тўй, яна беш-ўн сўм топишга ҳаракат қилинг. Тўйга куруқ бормаймиз-ку.

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

— Майли, майли, бир йўлини топармиз, — дедим мен тўрхалталарни бўшатарканман. — Қанақа овқат қилай, кўнглинг нимани тусаяпти?

АВЛИЁ БОБОНИНГ БАШОРАТИ

— **Ая, кейинги йилларда фарзандингиз эришадиган ютуқлар сизларни шошириб қўймайдими?**

— Биз ҳам оддий ўзбек оиласимиз. Бошимиздан иссиқ-совуқ кунлар ўтган. Мусулмончиликда йўқ пайтда сабр қилиш, бор пайтда шукр қилиш кераклиги ўқтирилади. Сабр қилган кунларимиз бўлди, энди эса шукр қилиб яшаймиз.

— **Муҳаммадқодирнинг шу даражада юқори чўққиларга кўтарилишига ишонармидингиз?**

— Ўғлимнинг бобоси авлиё ин-

сон эди. У Муҳаммадқодирни чақалоқлик пайтидаёқ бағрига босиб, бундан зўр пахлавон чиқади, америкалик ҳабашларни ҳам енгиб, тилла медал олади, дердилар. Отаси эса Муҳаммадқодирнинг жаҳон чемпиони бўлишига шубҳа қилмасди.

— **Сиз, ўзингиз-чи?**

— Она учун ўғил соғ-саломат, уйли-жойли, бахтли бўлса, шунинг ўзи кифоя. Агар у ўз юртини жаҳонга танитадиган буюк ишлар қилса, она учун бундан ортик бахт бор-



Бўлажак теннис юлдузлари.

БОШҚОТИРМА

Қ	Р	О	М	Х	Ш	Ш	Б	М	М	Б	К	Ф	С	Х
И	У	Х	А	А	А	А	У	А	Е	Ў	О	У	У	
С	Х	И	Т	М	Б	М	Й	Р	К	Ч	Р	Л	Н	Р
Б	И	У	С	П	Р	Л	Ъ	Б	Р	С	Т	К	Б	Д
А	Р	Ш	И	У	У	И	А	И	И	Т	А	А	У	А
А	А	А	Я	С	Д	К	Т	Р	К	А	Р	Т	Л	Т

Ўзим эшитмаган латифа

Ўзидан-ўзи, қотиб-қотиб қулаётган одамдан нимага қулаётганини сўрашибди:

— Биласизми, ўзимга-ўзим латифа айтиб ўтирувдим, латифаларим ичида ҳали ўзим эшитмаганим ҳам бор экан, шунга...

Икки ошна бир-бирига лоф айтиб ўтирибди:

— Бир куни десанг, қирувчи самолётда учиб кетаётганим, олимидан туннел чиқиб қолди. Тўғри туннелнинг ичидан ҳайдадим самолётни. Қарасам, қаршимдан поезд келаяпти, самолётни шартта бурдим-да, орқага қараб ўчдим...

— Бўлиши мумкин бунақаси. Мен сенга бир воқеани айтиб берай. Бир куни овга чиқишда икки шиша вино олволгандим. Болтани эса уйда қолдирибман.

Винони очининг иложи бўлмади, кечгача сабр қилишга тўғри келди.

— Алдаяпсан, бунақаси бўлиши мумкин эмас!

— Дўхтир, уйланганимга уч кун бўлмасдан ўнг қўлогим эшитмайдиган бўлиб қолди.

— Ўнг қўлогингиз? — ҳайрон бўлиб сўрайди дўхтир.

— Нима, келин бола чапақайми дейман?

Microsoft ўзининг уч тур: Windows CE, Windows ME, Windows NT махсулотларини бирлаштиришда ва янги махсулот CEMENTINI сотувга чиқарди...

Зоҳид

тайёрлади

Йўлдош ПАРДА